



Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2011-yil 15-sentabr № 113-114 (2995) payshanba

Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерациясида



Инсонга наф келтириш — олий бахт. Ушбу ҳикматли шиорнинг замирида чуқур мазмун мужассам. Дарҳақиқат, «наф келтирмақ» иборасини жуда кенг маънода қўллаш мумкин. Энг муҳими, буни инсон юракдан ҳис этсин. Қадим-қадимдан халқимиз бир-бирига меҳр-оқибатли, яхши-ёмон кунларида елкадош бўлишган. Бу анъана бардавомлигини таъминлаш ҳар биримизнинг зиммамиздаги олий бурч эканига шубҳа йўқ. Кунни кеча Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерацияси томонидан бир гуруҳ фаол ва фидойи инсонларга эҳтиром кўрсатилди. Мазкур тадбирга фидокорона меҳнати билан юрт равнақига ҳисса қўшаётган, бу йўлда изланиш ва ташаббус кўрсатишдан толмаётган, ижтимоий шериклик асосида ишловчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаати ва ҳуқуқларини ҳимоялашда юқори натижаларга эришаётган турли соҳа вакиллари тақдир этилди.



Эътибор ва эҳтиром

Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Танзила Нарбаева йиғилганларни кенг нишонланаётган истиқлол айёми ҳамда мукофотлар билан қутлаган ҳолда, жумладан, шундай деди:

— Гувоҳ бўлиб турибмизки, мустақиллигимизнинг 20 йиллиги ҳамон кўтаринки руҳда давом этаётир. Бугунги тадбиримизни истиқлол йилларида юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшган жонқуяр ва фаол инсонларга нисбатан эҳтиром сифатида қабул

қиласизлар, деган умиддамиз. Ўтган қисқа даврда мислсиз ютуқларни қўлга киритдик. Сизлар, албатта, ушбу муваффақиятларнинг бевосита иштирокчисисиз. Бунда касабалар уюшмаларининг ҳам ўрни алоҳида. Касабалар уюшма фаоллари ижтимоий шериклик асосида фаолиятни изчил олиб бормоқда. Натижада, қўлгина ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйдик. Шунингдек, бевосита касабалар уюшмалари етакчилигида «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси тайёрланди.

Тизим фаолиятини янада такомиллаштиришда Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерацияси ҳамда Ўзбекистон савдо-сановат палатаси ҳамкорлигидаги Бош келишувнинг имзоланиши муҳим ҳодиса бўлди. Шу асосда, ҳудудий ва тармоқ келишувларини, жамоа шартномаларини қайтадан кўриб чиқдик. Унда меҳнаткашларга кенг имтиёزلар яратиш, уларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, шу билан бирга, хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлашга алоҳида

эътибор қаратилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерацияси томонидан мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқимиз маънавиятини юксалтириш, кенг қўламли ислохотларни амалга оширишда фаол иштирок этиб келаётган фаоллардан 15 нафарига «Эҳтиром нишони», 21 нафарига Фахрий ёрлик ҳамда 31 нафарига касабалар уюшмалари тизимидаги санаторийларга бепул йўлланмалар топширилди.

(Давоми 2-бетда)

САҲИФАЛАРИМИЗДА



Нурли юрт
нуронийлари

3



Сувнинг таъсир
қуввати

10



«Набирам нега
асабий?..»

13



бақўм бурчаги бўлар эди. Ҳозир касаба уюшмаси учун алоҳида хона ажратилиб, керакли жиҳозлар билан таъминланди. Ўқитувчилар учун дам олиш хонаси ташкил этилди. Шу йил баҳорда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилоят кенгаши томонидан ўтказилган «Касаба уюшмаси афзалликларини тарғиб қилиш ва энг намунали касаба уюшма ташкилоти» танловида ҳам фахрий ёрлик олганман.

— Узоқ йиллик тажрибамдан келиб чиқиб айта оламани, юртимизда ҳуррият эпкини эса бошлагандан кейин барча жаҳалар қатори касаба уюшма-

ЭЪТИБОР ВА ЭҲТИРОМ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Ушбу тақдирлаш маросимидан асосий мақсад ҳам аслида республикамизда давлатимиз томонидан инсон манфаатларини ҳимоялаш, уларни меҳнатига яраша муносиб рағбатлантириш борасида амалга ошириладиган ишларга касаба уюшмаларининг ҳиссасини кўшишдир.

Таъкидлаш жоизки, замон шиддатли, ўзгаришлар тезлик билан амалга ошмоқда. Бундай шароитда ислохотларни изчил давом эттириш, кўзланган мақсад сари дадил одимлаш жуда муҳим. Буни ҳисобга олган ҳолда кадрлар салоҳиятини ошириш, тармоқларни кучайтириш, соғломлаштириш, маданий-маърифий, меҳнат муҳофазасига катта аҳамият берилаяпти. Бу борада қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда муваффақиятли иш олиб борилмоқда. Федерация тизимида иш ўринларини яратишда касаба уюшма ходимларининг сай-ҳаракатлари ҳам эътиборга молик. Бинобарин, имкониятдан унумли фойдаланган ҳолда аъзоларга ҳар томонлама кўмак бериш касаба уюшмаларининг асосий бурчларидандир.

Бу йилги истиқлол байрамида халқимизни янги ютуқ ва муваффақиятлар сари руҳлантирган Президент табриги бугун юртдошларимизни янада яхшироқ ишлашга ундамоқда. Айниқса,

Президент Фармони билан мустақилликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса кўшаётган, турли соҳаларда барчага ўрнатилган бўлаётган ҳамюртларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлангани барчани янги зафарлар сари ундади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳам мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида олиб борилган ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган беш тамойилнинг бири — кучли ижтимоий ҳимоянинг самарали амалга оширилишини таъминлашга ўз ҳиссасини кўшаётган инсонларни тақдирлаш тизимини жорий этди.

Пайтдан фойдаланиб, мукофотланганлардан айримларини сўхбатга тортдик.

— Ҳар биримиз туғилиб, ўсиб, ақлимизни танигач, албатта, у ёки бу соҳада фаолият юритамиз. Қайсидир соҳа равақида астойдил меҳнат қилиб, фаровон турмуш кечиришга интиламиз. Бу борада ҳозир бизнинг энг яқин ҳамкор ва таянчимиз бўлмиш касаба уюшмаларининг ўрни алоҳида, — деди «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, «Эҳтиром» нишони совриндори Омонулла Ризаев. — Соҳа

фидойилари ҳар бир ишчи-ходимнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимояси йўлида, бошқача айтганда, ҳўлу қуруқ, пасту баланд йўллардан юриб ўтади. Бугун биров хижолат тортаётганимнинг сабаби, шунча масъулиятни зиммасига олган ушбу нуфузли ташкилот тизимга озгина заҳмати сингган кишиларни рағбатлантириб, сийлаб турибди. Ушбу эзгу ишнинг ташкилотчиларига миннатдорлик билдираман.

— Халқимиз спортсевар. Буни кейинги йилларда спортчиларимиз томонидан эришилаётган ютуқлардан ҳам англаш қийин эмас. Ўзим ҳам етмиш нафар болага Турон яккакураши сирларини ўргатиб келаман, — деди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт



ларга алоҳида эътибор қаратиб келади. Бевосита уюшма тизимидаги спорт ташкилотларидан кўплаб халқаро мусобақалар ғолиблари етишиб чиқмоқда. Бугун Федерация томонидан сиҳатгоҳга бепул йўланма билан тақдирланишим мени жуда мамнун этди. Ёш спортчиларга кўрсатиладиган бу каби эътиборга жавобан, ўз ҳаракатларим билан Ўзбекистонимиз шарафини дунёга ёйишга ҳаракат қиламан.

— **Йигирма уч йилдан буён касаба уюшмаси фаоли сифатида хизмат қилиб келаман, — дея сўхбатга кўшилди Фахрий ёрлик ҳамда пул мукофоти билан тақдирланган Андижон вилояти Марҳамат тумани 40-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Абдуҳаким Мирзаев. — Истиқлол йилларида касаба уюшма тизими тубдан ўзгарди.**

Мамлакатда жамоат ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилди. Тўғриси, узоқ йиллар тизимда фаолият кўрсатиб, бошланғич ташкилотларга сўнги йиллардаги каби эътиборни кўрмаганман. Илгари мактабимиз ўқитувчилар хонасида каса-

лар тизимида ҳам жадал суръатларда амалга ошириладиган залворли ҳамда савобли ишларга гувоҳ бўлаяпмиз. Бугунги хайрли иш ҳам бунинг бир исботидир, — деди сўхбат давомида «Максам-Чирчиқ» очик акционерлик жамияти касаба уюшма кўмитаси раиси, «Эҳтиром» нишони совриндори Бахтиёр Абдуллаев. — Истиқлолимизнинг 20 йиллиги нишонланган ушбу йил, айниқса, жамоамиз учун самарали бўлмоқда. Хусусан, яқинда ўтказилган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловида иштирок этган 35 мингта бошланғич ташкилот орасидан Республика босқичига чиқиш, биринчи ўринга сазовор бўлиш катта муваффақият. Бугун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг «Эҳтиром» нишони билан тақдирланганимдан мамнунман. Ўйлайманки, бундай эътибордан нафақат мен, балки бутун жамоамиз руҳланади.

Инсон меҳнатига яраша рағбат кўрса, ишидаги унум янада ортади. Илло, масъуллик ва интилиш бор жойда ижобий маънода ўзгаришлар қамрови кенгайиб боради. Йўли бардавом элни ҳеч нарса, ҳеч қачон ортага қайтара олмайди. Турли жаҳаларда фаоллик кўрсатаётган фидойиларнинг кўпайиши мамлакат келажагига кўйилаётган пойдеворнинг мустаҳкам ва залворли бўлишини таъминлайди.

**Акмал ТОШЕВ,
Абдулатиф
АБДУЛЛАЕВ,
Улуғбек ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбирлари.
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар**



жамияти тизимидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқитувчи-мураббийси Махфузахон Абдуллаева. — Шу билан бирга, ҳозирда Жисмоний тарбия ва спорт институтининг бадиий гимнастика факултети 2-босқич талабаси, спорт устаси-ман. Касаба уюшмалари ҳамшиша спортга, спортчи-

Нуронийлари бор оиланинг файзи бўлакча бўлади. Бунга сабаб уларнинг ҳар тонг эзгу ният билан дуога очилган қўллари, яхши сўзу ниятни дилдан дилга, тилдан тилга кўчиргувчи меҳрларидир. Ҳаёт сирларининг жонли ечимига айланган бобою буви тарбиясидан баҳраманд бўлган болаларнинг дунёқараши ҳам ўзгача шаклланади. Ишини билиб-билиб, пухта амалга ошираётган ёшларни кўрганда, «катталарнинг тарбиясини олган-да», дея ҳавасланиш бежиз эмас.

Ибратли ташаббус билан чиқиб, кўпчиликни фидойилликка ўргатаётганлар ҳам нуронийларимиздир. Бу ҳақда фикр юритганда, аввало, ана шундай фахрийларни ўз сафига олган, қўллаб-қувватлаётган «Нуроний» жамғармаси фаолиятига эътибор қаратиш жоиз. Фикримизни жамғарманинг Наманган вилояти бўлими томонидан амалга оширилаётган ишлар билан мустаҳкамласак.

КАДР-ЛА МУҚАДДАС...

Дунё тан олган файласуфлардан Ларошфуко «Кексая олиш — санъат, унга ҳамма ҳам муяссар бўлавермайди», деган эди. Дарҳақиқат, оқар сувдек вақтдан унумли фойдаланиш, ҳаётни гўзал амаллар билан мазмунли қилиш нуронийлик учун муносиб тайёргарликдир. Айни шу ишлар инсонга улугларга хос фикрлаш қобилиятини инъом этади. Бу ҳақда гап кетар экан, келажак авлодлар саодати учун уруш майдонига кириб, жонини жабборга топширмоққа шай бўлган, бугун эса ўша машъум кунлар сояси ёшларнинг тушига-да кирмаслигини Яратгандан сўраётган отахонларимизни эслаш жоиз. Тиргагини ўзга юртларга кузатиб, норасидалари учун ҳам ота, ҳам она бўлган, тириклик учун ўзини ўққаю чўққа урган фариштамисол онажонларимизни кўз олдимизга келтиришимиз лозим.

— Президентимизнинг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармонига кўра, Хотира ва кадрлаш куни арафасида вилоятдаги 509 нафар уруш фахрийсига пул мукофотлари ажратилди, — дейди «Нуроний» жамғармаси Наманган вилоят бўлими раиси Абдукарим Жалилов. — Бундай мукофот ва совға-саломлар маҳаллий ҳокимликлар, Мудофаа ишлари бўлимлари, жамоат ташкилотлари, «Камолот» ЁИХ, «Маҳалла» жамғармаси вакиллари иштирокида тантанали равишда топширилди.

Шунингдек, уруш қатнашчиларини моддий рағбатлантириш учун «Наманганпахтасанот» уюшмаси, «Учқўрғонёғ», Наманган, Учқўрғон, Поп дон маҳсулотлари корхоналари томонидан озиқ-овқат тўғламлари ажратилди. «Камолот» ЁИХ ва жамғарма бўлимлари ҳамкорликда уларни уруш қатнаш-

Нуронийларимиз

нуронийлари

чиларига топширди.

«Дори-дармон» АК томонидан ажратилган ҳар бири 530 дона дорилар тўплами ҳам уруш вақтида фронт ва фронт ортида хизмат қилган фахрийларга тарқатилди.

9 май куни Наманган шаҳридаги Хотира майдонида ўтганлар хотирасига бағишлаб тадбир ўтказилди, она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди. Байрам муносабати билан барча шаҳар, қишлоқларда ободончилик ишлари амалга оширилди. Вилоятдаги 568 та қабристон тартибга келтирилди.

ЭЗГУЛИК УМРИ БЕЗАЙДИ

Кексайганда киши кўнгли но-зиклашиб қолади. Бир чимдим меҳр ҳам тоғдек, озгина тухфа ҳам тенгсиз хазинадек туюлади. Айниқса, собиқ жамоадошлар, касбдошлар томонидан кўрсатилган бундай эъзоз ҳаёт ажиндан гул солган юзларни янада нурлантириб юборади. Шунинг учун ҳам халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлаб, ўзининг самарали ва ҳалол меҳнати билан обрў-эътибор топган фахрийларни меҳнат жамоалари томонидан қутлаш, уларга ҳурмат кўрсатиш ишлари вилоятда яхши йўлга қўйилган.

— Касаба уюшмалари томонидан ҳам бу борада қатор ишлар амалга оширилаётир, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ишлар бўлими мудир Ақмал Умаров. — Нафақадаги меҳнат фидойилари билан турли учрашувлар, давра суҳбатлари уюштириш, қутлуг кунларда совға-саломлар улашишда «Нуроний» жамғармасининг вилоятдаги бўлими билан яқин ҳамкорлик ўрнатганмиз. Бу яхши самара бераётганини қарияларнинг юз-кўзидаги қувончдан ҳам англаш мумкин.

Ётиб қолган бемор қариялар, ногиронлар, моддий жиҳатдан

қийналган фахрийлар жамғарма эътиборидан четда қолмапти. Ёрдамга муҳтожларга моддий кўмак бериш, саломатлигини тиклаш, дам олдириш, нафақа пулларининг ўз вақтида берилиши, электр, газ, сув, иссиқлик таъминотидаги муаммолари ваколат доирасида ҳал қилинаётир. Мазкур жараёнда жамғарма бўлимлари, жамоатчилик марказлари раислари фаол қатнашади. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси билан ҳамкорликда фахрийларнинг талаб ва эҳтиёжини қондириш чоралари кўриломқда.

Турли тантана ва байрам тадбирлари нуронийлар кўнглини хушнуд этиш билан бошланади. Хусусан, жорий йилда Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан фахрий аёлларнинг қабули ўтказилди, дастурхон ёзилиб, уларга ҳурмат бажо келтирилди.

Жамғарма бўлимлари жамоатчилик марказлари, маҳалла фаоллари ҳамкорлигида ёрдамга муҳтож қариялар, ногирон онахонларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашди. Жамғарманинг вилоят бўлими ва бўлимлари томонидан 102 нафар фахрий аёлга 1,6 миллион сўмлик моддий ёрдам берилди. 100 ёшдан ошган 183 нафар онахон ҳолидан хабар олинди.

Истиқлолнинг 20 йиллик тантаналари олдидан «Ободлик кўнглидан бошланади» шиори остида барча шаҳар, туман, қишлоқ, маҳаллаларда, корхона, ташкилот, муассасаларда, аҳоли хонадонларида ободон-

лаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари кенг авж олдирилди.

Вилоят ҳокимлиги, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, «Камолот» ЁИХ вилоят бўлимлари қўшма қарорига асосан Мустақилликнинг 20 йиллиги муносабати билан «Йилнинг энг обод ва намунали маҳалласи» кўрик-танлови ташкил қилиниб, байрам арафасида яқунланди.

Жамғарма томонидан «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди» шиори остида моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ишлари кучайтирилди. Наврўз тантаналарида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда 124 нафар яқка-ёлғиз, ётиб қолган, кам таъминланган, ногирон уруш ва меҳнат фахрийларига 1 млн. 860 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорликда байрам кунлари 49762 киши ҳолидан хабар олинди, 467159,7 минг сўмлик озиқ-овқат ва моддий кўмак пуллари берилди. 17 кишига ногиронлик аравачаси, 11 кишига эшитиш аппарати, 100 кишига қўлтиқтаёқ ва ҳасса топширилди. Республикаимизнинг турли ҳудудда жойлашган сихатгоҳларда 250 нафар фахрий дам олдирилди.

«БОҒИМИЗ ТУРГУНЧА ЯШАЙМАН...»

Жорий йил бошида вилоят ҳокими, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ЁИХ ва Мусулмонлар идораси вакилликнинг юртимизни боғу бўстонга айлантириш бўйича мурожаати эълон қилинди. Ҳамма жойда кўкаламзорлаштириш, боғ-роғлар ташкил этиш, сабзавот, картошка етиштириш ишлари оммавий тус олди. Аслида, келажакни олдиндан сезувчи қарияларимиз бу ишга анча олдин киришган эдилар. Уларнинг ташаббуси билан вилоятнинг турли ҳудудда боғлар яратилган.

Шу сатрларни битиш асосида болалигимдаги бир воқеа ёдимга келди. Эсимни танибманки, бобомнинг қўлида кет-


мону кўчат кўрардим. Сирдарё лабидаги жарликларни неча ўн йиллар давомида текислай-текислай боғ яратган бобом тўқсондан ошган бўлишига қарамай, мевалию мевасиз ўн мингдан ошиқ дарахтининг ҳар бирини тушларида ҳам танирдилар. Ҳар бир кўчатига бола-сидек қараганлари учунми, биз ҳам бу боғни ҳалигача бўлакча меҳр билан қадраймиз. «Меҳнат одамни тарбиялайди, энг муҳими, ҳеч қачон хор бўлмаслик илмини ўргатади», дердилар. Болаларча соддалик билан берган «Қанча яшайсиз?» деган саволимга «Боғимиз тургунча...» деб жавоб қайтардилар кулиб. Дарҳақиқат, уларнинг умри ниҳоя топмади, экан кўчатлари янглиғ бардавом бўлди. Ҳаётлигида у киши билан ҳамсуҳбат бўлмаганлар ҳам тотли мевалар тановулидан сўнг «эккан-тиккан»нинг руҳи покига дуои салом йўллайди. Айни шунинг учун ҳам қариялар боғ яратиш ҳикмати бошқалардан кўра яхшироқ англашар...

СЎЗИМИЗ АДОҒИДА

Авлиёлар назар солган, фаришталар дуо қилган юртда кексалик гаштини суриш, сурганда ҳам эл ташвиши билан тонгни тунга улаш бахти барчамизга насиб этсин! Зеро, умрнинг ҳар фасли гўзал, ҳақиқий инсон эса шу гўзалликка муносиб бўлишга интилади.

Меҳрнинг бегонаси бўлмаганидек, бу юртда меҳр булоғи бўлган қарияларнинг ҳам бегонаси йўқ. Соқоли кўксига файз бериб турган отахон борки, бу ўлка ёшлари учун «бобо», кўнгли бошидаги рўмоли янглиғ оппоқ онахонлар борки, «буви» дея эъзозланади. Бобою бувиларимизнинг дуога очган қўлларига куч беришга интиларканмиз, ниятларимиз яна биттага кўпайсин: айни навқирон ёшдаги истиқлол, бир йигит ёшидек жўшқин ватанимизнинг улар билан тенгдошлигини кўрар кунларда ҳам бирга бўлайлик!

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» муҳбири



Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган суратлар

Тошкент шаҳар истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари касабани уюшма кенгаши маҳалларда истиқомат қилувчи кам таъминланган оилалар фарзандларига ёрдам қўлини чўзиб келмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Яққасарой туманидаги «Тўқимачи» маҳалласида бўлиб ўтди.

Бор бўл, оқибат

Тадбирни маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси М.Худойберганов очди. Сўнгра шаҳар кенгаши раиси Зиёдилла Худайбердиев айна вақтда касабани уюшма ташкилотлари олдида турган вазибалар ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини қошида тадбиркорлардан иборат бошланғич ташкилот тузиш масаласига йиғилганлар эътиборини қаратди.

Тадбирда шаҳар кенгаши ҳисобидан кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг 50 нафарига жами 2.930 минг сўмлик мактаб ўқув қуроллари топширилди. Шунингдек, ногирон ҳамда иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг 15 нафари касабани уюшмалари саховатидан баҳраманд бўлди.

Адхам Зуперхўжаев, маҳалла фаоли:

— Касаба уюшма ташкилоти томонидан кўрсатилган бундай ёрдамдан маҳалламиз аҳлининг боши кўкка етди. Шунчалик оқибат кўрсатиб, ночор кишиларга ёрдам қўлини чўзганликлари учун шаҳар тармоқ касабани уюшма кенгашига маҳалла фуқаролари номидан ўз миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Ўз мухбиримиз

Инсон манфаати ҳар нарсадан устун

Агросаноат мажмуи ходимлари касабани уюшмаси Андижон вилоят кенгашида ўзига хос кўрик ўтказди. Давра суҳбати тарзида ўтган тадбирда ташкилот, хўжалик, корхона ва ўқув юртларининг бошланғич касабани уюшма ташкилотлари раислари иштирок этишди.

— Инсонга наф келтириш бош шioriга айланган касабани уюшма ташкилотлари фаолиятининг асл мақсад-моҳиятидан келиб чиқиб ҳамда ЎзКУФ Қурултойи ва АСМ ходимлари касабани уюшмаси вилоят кенгаши қарорига мувофиқ ушбу семинарни барча туманларда ўтказдик, — дейди вилоят кенгаши раиси Ф.Содиқов. — Айна вақтдаги ислохотлар ислохот учун эмас, балки инсон учун, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш учун деган шior олға сурилмоқда. Бу, айниқса, бошланғичлар фаолиятини яхшилашни тақозо этади. Шу боис ҳам бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Хусусан, Андижон туманидаги Андижон қишлоқ хўжалиги институти, Шаҳрихон агросаноат касб-хунар коллежи ва бошқа бошланғич касабани уюшма кўмиталарида ўтказилган семинарлар таассуротларга бой бўлди.

Абдулхай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Наманганлик бир гуруҳ меҳрга муҳтож қарияларнинг тили дуо-ю олқишдан тинмай туриб, улуғ айём муносабати билан яна бир қанча ногирон болалар ва кам таъминланган оилаларга қувонч улашилди.

Яқинда Соғлиқни сақлаш ходимлари касабани уюшмаси Марказий кенгаши раиси Бахтиёр Маҳмадалиев вилоятдаги Мурувват уйида бўлиб, нурунийларга совға-салом улашаётганида, кўнглимиздан яхшилик изидан ҳамшиша савобли ишлар эргашиши ҳақида ўйлар кечганди.



Саодатли кунлар шуқуҳи

Марказий кенгашнинг хайрли тадбири соғлиқни сақлаш ходимлари касабани уюшмаси вилоят кенгаши томонидан муносиб тарзда давом эттирилмоқда. Дастлаб вилоят 6-иҳтисослаштирилган ногирон болалар уйига 725 минг сўмлик чойшаблар элтиб берилди. Шундан сўнг тармоқда меҳнат қилаётган кам таъминланган оила вакилларига совғалар улашилди.

— Истиқлолимизнинг 20 йиллиги ўзгача қувонч билан қарши олинди. Тизимимизда ишловчи 62 нафар ходимга 1 млн. 147 минг сўмлик идишлар тўплами, 46 кишига эса 2 млн. 450 минг сўмлик ўқув қуроллари тақдим этилди, — дейди кенгаш раиси Рустам Раҳматуллаев.

Наманган шаҳридаги 38-мактабнинг 4-синф ўқувчиси Сайёра Иномжонованинг хурсандчилиги ҳам шу тантаналар билан чамбарчас боғлиқ.

— Онажоним — Зокира Абдуқаҳорова уруш ва меҳнат фахрийлари шифохонасида фаррош бўлиб ишлайди. Бугунги байрамга мени ҳам олиб келдилар. Бу ерда янги ўқув йили учун дарсликлар, дафтар, қалам, ҳатто фломастергача беришди. Буларнинг ҳаммаси чиройли мактаб сумкасига жойланган. Яхши ўқишим орқали бу совғаларга муносиб бўлишга ҳаракат қиламан. Катта бўлсам, мен ҳам ўқимишли қиз бўлиб, кўпчиликка шундай яхшиликлар қиламан.

Қалбга қадалган эзгулик ниҳолдан фақат яхшилик ҳосили йиғиб олинади. Насиб этса, 10-15 йилдан сўнг Сайёра каби бугунги тўғраларни қувонч билан қабул қилаётган болажонлар юртимиз тараққиётини юксалтиришда асосий куч бўлишади.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

Мустақилликни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотларни вилоятимизда изчиллик билан амалга оширишда касабани уюшма кенгашимиз тасарруфидаги 340 та бошланғич ташкилотга бирлашган 142 минг 115 нафар аъзонинг муносиб ўрни бор. Кенг қамровли тарғибот ишлари, оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар натижасида уларнинг сафи кенгаймоқда.

Қишлоқ аҳлига ғамхўрлик

Тармоққа қарашли меҳнат жамоаларида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг соғлигини тиклаш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш мақсадида «Алпомиш» ва «Барчиной» тест мусобақалари, «Саломатлик» спартакиадалари ва турли беллашувлар ўтказилмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда мустақиллик йилларида барпо этилган маданият марказлари ҳамда тарихий жойларга тармоқ меҳнаткашлари, талаба ва ўқувчиларнинг саёҳати уюштириляпти. Кам таъминланган ва кўп болали оилалар вакиллари ҳамда ногиронлар ҳар томонлама ғамхўрлик остида.

Кенгашимиз Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерациясининг V қурултойи қарорларини бажара бориб, корхона, ташкилот ва фермер хўжаликларидagi меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатлари ҳимоясини таъ-

минламоқда.

Ҳозирда тармоғимиздаги 50 та корхонада касаначилик меҳнатидан фойдаланиляпти. Уларда ишлаётган 458 нафар касаначи касабани уюшмаси аъзолигига қабул қилинган. Ҳар бир туман ҳокимлиги қошида бандлик дастурини бажариш борасида иш олиб борадиган комиссия тузилган. Туман агроросаноат мажмуи ходимлари касабани уюшмаси кенгаши раислари комиссияга аъзо қилиб киритилган.

Янги ўқув йили олдида фермер хўжаликларини томонидан кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг 502 нафар фарзандига ўқув қуроллари, дарслик ва мактаб формалари олиб берилди.

Ҳар йили меҳнат муҳофазаси ойлигида меҳнаткашларга соғлом ва хавфсиз иш ўринлари ҳамда санитария-маиший шароитларини яратиш, иш жойларини аттестациядан ўтказиш, иш-

лаб чиқаришда жароҳатланганининг олдини олиш, корхона ва фермер хўжаликлариди хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш юзасидан касабани уюшмалари иш берувчилар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Вилоят кенгаши томонидан белгиланган жадвал асосида барча шаҳар ва туман кенгашларида «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида» ҳамда «Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чора-тадбирлар тўғрисида»ги Конвенциялар талабларини жойларда бажарилишини таъминлаш бўйича ўқув семинарлар, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилаётгани ижобий самара бермоқда.

Абдусалом РАҲМОНОВ,
Агроросаноат мажмуи
ходимлари касабани
уюшмаси Бухоро вилоят
кенгаши раиси

Фахрийлар эъзозда

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан Хоразм вилоят касабани уюшма ташкилотлари томонидан Меҳнат фахрийларига эҳтиром кўрсатилди. Тантанали тадбир самимиятга, меҳрга йўғрилгани билан барчага бирдек манзур бўлди.

— Касаба уюшмаларининг жамиятдаги нуфузи ортиб боришига самарали меҳнатлари билан баракали улуш қўшган азиз инсонлар шаънига ҳар қанча мақтов кам, — деди вилоят касабани уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг раиси Раҳимберган Матрасулов фахрийларга «Эҳтиромнома»лар топшираркан.

— Мен ҳаётимда кўплаб мукофотларга са-

зovor бўлдим, аммо «Эҳтиромнома» мен учун азиз ва қадрли бўлиб қолади, — дейди узоқ йиллар вилоят касабани уюшма ташкилотларига раҳбарлик қилган, эндиликда қарилик гаштини сураётган Ойбиби Худойберганова. — Касаба уюшмаларининг бугунги нуфузини, фаолиятдаги ўзгариш, юксалишларни кўриб ёшлигимга қайтгим келди. Айна вақтда фаолиятимизни муносиб инсонлар давом эттираётганини кўриб қалбимни шуқрона чулғади.

Тадбирда касабани уюшмалари сафида кўлни қўлга бериб ишлаётган юздан зиёд фаолларга, бошланғич ташкилотлар етакчиларига фахрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Муҳаббат ТўРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

Ҳамма шундай яшаса...

Анзура опа одатдагидек шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли болалар терапияси бўлимига барвақт келди. Ойнадан ташқарига тикилганча бир зум бугун режалаштирган ишларини хаёлдан ўтказди. Сўнг катта иштиёқ билан юмушларни бажаришга киришди...

Анзура Эгамова ташкилотчи раҳбар ва олий тоифали шифокор. У 1978 йил ТошМИ (ҳозирги Тиббиёт академияси) стоматология факултетини тугатгач, Жиззах шаҳар болалар стоматология бўлимида шифокор, бўлим мудир, бош ҳаким бўлиб ишлади. 1993 йилдан бери эса шаҳар тиббиёт бирлашмаси касабаси раиси сифатида фаолият кўрсатмоқда. Даволаш муассасаларининг энг сўнгги русумдаги асбоб-ускуналар билан жиҳозланишида касабакўм алоҳида ташкилотчилик кўрсатаяпти. Опанинг шоғирдлари 50 нафардан ошди.

Жиззах шаҳар тиббиёт бирлашмаси тасарруфида 10 та оилавий поликлиника, 3 та акушерлик туғруқхона бўлими, 2 та диспансер, шунингдек, стоматология ва тиббий кўрик поликлиникаси бўлиб, уларда 1585 нафар касабаси аъзоси меҳнат қилади.

Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий маданият ва саводхонлик даражасини оширишга қаратилган кенг қўламли тарғибот ишларини амалга ошириш режалари ишлаб чиқилган. «Саломатлик куни» доирасида репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш

бўйича аҳоли ўртасида 110 дан ортиқ давра суҳбати, 130 га яқин учрашув ва мулоқот ўтказилди. Телекўрсатувлар ташкил этилди. Бунда, айниқса, II даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби Дилдора Рашидова, соғлиқни сақлаш аълоҳиси Людмила Мачуженко, олий тоифали стоматолог Алия Аҳмедова ва ҳамшира Ёркиной Эргашева фаоллик кўрсатишди.

Касабакўм раиси ҳар бир масалани икки-чикиригача ўрганиб чиққач, кўмита аъзоларини сафарбар этади. Улар бундай қайноқ муҳитга кўникиб қолишган. Ҳар бир муружаатни ижобий ҳал этишга ҳаракат қилишади.

Бир гал касабакўм раисининг хонасига беш-олти нафар тиббиёт ходими ва техник ишчилар кириб келишди.

— Сизнинг ёрдамингизга муҳтожмиз, — деди уларнинг ёши улуғи. — Анчадан бери хирургия бўлимини водопровод суви билан тўла таъминлаш ҳақида гап бўлаяпти. Бу борада баъзи ишлар амалга оширилди. Лекин ҳамон охирига етказилгани йўқ.

Касабакўм раиси эртасигаёқ тегишли ташкилотларга учрашди. Унинг ташкилотчилиги ва қатъиятлилиги туфайли қисқа вақтда режали хирургия бўлими тоза ичимлик суви билан тўлиқ таъ-

минланди. Шунингдек, бўлимда кўчма кутубхона ва спорт майдончалари ташкил этилди.

Бўлим ҳовлисида полиз ва сабзавот экинлари парваришланиб, етиштирилган маҳсулотдан даволанувчилар баҳраманд бўлмоқда. Натижада овқатга тўланадиган харажатлар бирмунча арзонлашяпти. Эрта баҳорда ўтказилган 90 туп олма, нок, шафтоли каби мевали дарахтлар эса яхши ривожланмоқда.

Шаҳар тиббиёт бирлашмаси касабаси аъзолари манфаатини ҳимоя қилиш билан бирга меҳнат фахрийлари, кам таъминланган оила ҳамда ёлғиз қарияларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратаяпти. Нафақадаги шифокорлар Роза Маматқулова, Қобилжон Маматқулов, ҳамширалар Барно Тўйчиева ва Оля Курокваннинг уй-жойини таъмирлаш, тўй-ҳашам ва маъракаларини ўтказиш учун моддий ёрдам ажратилди. Шунингдек, хирургия бўлими ходими Нигора Сафарова ноқонуний бўшатилганлиги учун ишига тикланди, ҳамширалардан Гулнора Содиқова ва Наргиза Ҳаққуловага моддий ёрдам берилди.

Беором қалб эгаси А.Эгамова ходимлар ўртасида



кўрик-танлов ва спорт мусобақалари уюштиришга доимо бош-қош. Бу йил Наврўз байрами арафасида миллий спорт турлари бўйича ўтган мусобақада 100 га яқин шифокор иштирок этди. Жорий йилда спорт ва маданий жиҳозлар учун 7 миллион 260 минг сўм сарфланди.

Ходимларнинг меҳнат шариоити, уларга имтиёз бериш, меҳнат таътили ва бўш вақтини кўнгилли ўтказиш доимий назоратда. Шу кунгача маданий-маърифий ишлар учун 4 миллион 830 минг сўм, шифокорларнинг фарзандларини оромгоҳларда дам олдириш учун 1 миллион 185 минг сўм сарфланди. Бухоро, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларига саёҳат уюштирилди.

— Касабаси аъзоларининг қарорларини бажариш, касабаси аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий манфаати, меҳнат муҳофазасини таъминлашга алоҳида эътибор қаратаяпмиз, — дейди бирлашма касабакўм раиси Анзура Эга-

мова. — Уларнинг бўш вақтини мазмунли уюштиришга ҳаракат қилаётимиз.

«Энг намунали муассаса», «Энг намунали бўлим», «Энг фаол маҳалла шифокори» каби 12 та номинация бўйича кўрик-танлов ўтказилиб, голиблар рағбатлантирилди. «Муқаддасан, ягона Ватан!», «Хуқуқий демократик давлат ва унинг асослари», «Репродуктив саломатлик», «Фарзандингиз соғлом бўлсин десаңгиз...», «Вирусли гепатит» каби мавзуларда маъруза ва суҳбатлар ўтказилляпти.

Анзура опа оилада ўзини тўла бахтли ҳисоблайди. Турмуш ўртоғи Бектемир ака билан аҳил ҳаёт кечириб, эл қорига ярайдиган фарзандларни тарбиялаб камолга етказмоқда. Бобур маҳалласи аҳли бу оилага ҳавас билан қарайди.

Абдулла САИДОВ,
Жиззах вилояти

Суратда: шаҳар тиббиёт бирлашмаси касабакўм раиси А.Эгамова илғорларни рағбатлантирмоқда.



Равза Қиличева Қарши шаҳридаги «Рогузар» маҳалласида яшайди. Маҳалла «Нуронийлар» кенгаши раиси. Ёши саксондан ошган бўлишига қарамай тиниб-тинчмайди. Беихтиёр «Суюнчи» бадий филмидаги Анзират бувини ёдимизга соладиган онахоннинг ҳаёт йўлига назар ташлар экансиз, аёл кишининг жонини бежиз қирқта дейишмаганига амин бўласиз.

Унинг болалиги иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келди. Шу боис, ўн икки-ўн уч ёшидан колхозга ишга кириб, фронт ортида меҳнат қилди.

Отаси Файзи ака туманда раҳбар лавозимларида ишлаган эмасми, унинг меҳнатсеварлиги, сиёсий фаоллиги қизни ҳам ўз домига тортди. Равза жамоат ишларида фаол қатнашар, ҳар бир воқеа-ҳодисага ўз мустақил муносабатини билдира оларди.

Аввал колхозчи, сўнгра артел ишчиси маълум вақт ўтгач Қарши шаҳар ёшлар ташкилотига бўлим мудир бўлиб иш бошлади.

Уч йил ишлагач, тақдир чархпалаги уни Сурхондарё вилояти Узун туманига равона қилди. Бу ерда ёшлар кўмитаси ташкилий ишлар бўлимини бошқарди. 1956-1959 йилларда эса туман ёшлар кўмитаси биринчи котиби бўлиб ишлади. Тўрт йил Тошкентда малакасини

тонат тоғларга менгазулик эди. Ўттиз уч ёшида нафақат оила юқини, балки бутун бошли туман раҳбарлигини елкасига олди. Термиз тумани шароити оғир ҳудудлардан эди. Равза опа ишни маърифатдан бошлади. Ўн нафар қизни пойтахтга олиб бориб, олий ўқув юртралига жойлади. Гарчи борганида институтларга қабул тугаган бўлса-да, Равза Қиличеванинг саъй-ҳаракати билан қизлар шартли равишда ўқишга қабул қилинди.

Турмуш ўртоғи оламдан ўтган, болалари ёш, қолаверса, туман раҳбарлиги, пахта ва галла режасини бажариш мажбурияти... Кўпчилик Равза опага «Фарзандларини болалар уйига топшир» дея маслаҳат берди. Бир олиб қараса, осони ҳам шу эди. Аммо Равза Қиличева бундай қилмади. Ишга эрта кетиб, кеч қайтса-да, баъзи кунлари уйга келолмай қолса-да, жигаргўшаларидан меҳрини аямади. Оқибатли қўшилари кўмакчи бўлишди...

Аёлнинг қирқ жони

оширди. Бу орада бир оғир синонови бошидан кечиришга тўғри келди.

1962 йилда турмуш ўртоғи оламдан ўтди, опа икки бола билан қолди. Аммо ундаги ма-

Меҳр беиз кетмади. Фарзандлари ҳам ўзидек илмга чанқоқ, меҳнатсевар бўлиб ўсишди. Қизи Замира Боқиева бугун Қашқадарё вилоят педагоглар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида, ўғли Олимжон эса вилоят касабаси аъзолари жисмоний тарбия ва спорт жамиятида самарали меҳнат қилишмоқда. Ҳар иккисининг жамоада ўрни бор, обрўси баланд.

Барибир, тўғилиб ўсган заминнинг оҳанрабоиси бўлади. Р.Қиличева 1971 йилда Қашқадарёга қайтди. 1971-73 йиллар тарғибот бўлими инструктори бўлиб фаолият кўрсатди. 1973 йилдан эътиборан Равза опага вилоят касабаси аъзолари кўмитасининг мақтаблар ва олий ўқув юртрали бўйича кўмита (ҳозирги таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси аъзолари вилоят кенгаши) раислиги ишониб топширилди.

Бу ҳақда Равза опа билан бирга ишлаган, ҳозир ҳам тармоқ касабаси аъзолари вилоят кенгашида мутахассис сифатида фаолият кўрсатаётган Матлуба Зоҳидова шундай ҳикоя қилади:

— Равза опанинг гайрати, шижоати эркакларникидан зиёд эди. Қандай тадбир уюштирса, бекаму-кўст ўтарди. Шунингдек, опада меҳр-оқибат ҳам жуда кучли. Бундан ўттиз беш-қирқ йил олдин бирга ишлаган бўлсак, ҳалигача тез-тез йўқлаб туради.

Бир неча бор туман ва вилоят кенгаши депутати этиб сайланган Р. Қиличева 1974-1986 йилларда ишдан ажралмаган ҳолда вилоят хотин-қизлар кенгашига раислик қилди. Узоқ йиллар «Рогузар» маҳалласида хотин-қизлар кенгашини бошқарди.

Ҳозир ҳам, нафақадан, демайди. Эрта тондан маҳаллага чиқади, ётиб қолган қариялар ҳолидан хабар олади. Бугун ҳам маҳаллакўм Файбулла ҳожи Отабоев билан галдаги ишларни режалаштирди. «Рогузар» маҳалласида 200 нафардан ошиқ қария «Нуронийлар» кенгашига аъзо. Маҳаллада 31 нафар Истиклол тенгдошлари бор экан. Байрам муносабати билан уларга совға-салом тарқатилди.

Пиру-бадавлат онахон ёшларнинг илм олиши, ҳунар эгаллаши тарафдори. «Қўлингизда ҳунаринг бўлса, ҳаётда қийналмайсан, сарсон-саргардон бўлмайсан», дейди набираларига.

Равза Қиличева меҳнатлари эвазига давлат нишонлари билан тақдирланган. «Халқ таълими аълоҳиси». Опада курашувчанлик юқори, ёшлигидан ҳақиқатни руй-рост айтиши, довораклиги билан ҳурмат-эътибор қозонган. Муҳими, халқ дарди билан яшаш унинг ҳаёт тарзига айланган.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» муҳбири



Ишлаб чиқариш билан боғлиқ кўнгилсизликларнинг олдини олиш иш берувчининг бевосита вазифасидир. Самарқанд туманида яшовчи Гулчеҳра Ахророва эса ўзи фаолият юритган собиқ «Нафис» ОТАЖ раҳбариятининг меҳнат ҳавфсизлиги қондаларига бепасанд муносабати туфайли 2009 йилда иш пайтида жароҳатланди, меҳнат қобилиятини йўқотди. Инсон соғлиги ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Корхона томонидан тўлаб турилган товон пули ҳар ҳолда Гулчеҳранинг оиласига, унинг доимий даволашига имкон яратаётган эди. Бироқ 2009 йилнинг ноябр ойидан бошлаб «Нафис» ОТАЖ банкрот деб эълон қилинди. Натижада Гулчеҳрага тўланаётган товон пуллари ҳам кети узилди...

Товон пули ундириб берилди

Собиқ «Нафис» ўрнида замонавий технологиялар билан жиҳозланган, маҳсулотларни хорижга экспорт қилувчи «АСЛ Нафис» масъулияти чекланган жамият қарор топгач, Гулчеҳра жамият раҳбариятига бир неча бор мурожаат қилди. Бироқ, улар эски «Нафис» билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган янги корхона эканини айтиб, Гулчеҳрага товон пули масаласини ўзларидан соқит қилишди. Янги корхона раҳбарияти ва бошқа турли идоралар эшикларидан навбат кутиб чарчаган Гулчеҳра Ахророва вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашига мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Муаммо ечими осон келмади. Касаба уюшмаси ҳуқуқшуносларига, аввало замонавий «АСЛ Нафис» МЧЖ айнан «Нафис» ОТАЖнинг ҳуқуқий вори эканини, сўнгра янги корхона раҳбарияти шубҳа билан қараган Г. Ахророва айнан иш жараёнидаги бахтсиз ҳодиса туфайли меҳнат қобилиятини йўқотганини исботлаб бердилар. Утган давр учун ундирилиши лозим бўлган товон пуллари ҳисоблаш ва унинг ундирилишига эришиш эса юқоридаги босқичдан қандай ўтилишига боғлиқ эди, албатта. Касаба уюшмаси ҳуқуқшунослари мамлакатимиз қонунчилигида корхоналарнинг ворислик ҳуқуқлари ва мажбуриятларига оид барча ҳужжатларни текшириб «АСЛ Нафис» МЧЖ устидан даъво аризаси билан судга мурожаат қилишди.

Суд касабаси уюшмалари давогарлигидаги ишни жабрдийда фойдасига ҳал этди. «АСЛ Нафис» суд қарори билан Гулчеҳра Ахроровага 2009 йилнинг 1-ноябрдан 2011 йилнинг 25-мартигача бўлган давр учун тўрт миллион 296 минг 319 сўм товон пулини ундириб берди.

Орзубек КОЗИМОВ,
Самарқанд вилоят
касаба уюшма ташкилотлари
бирлашмаси кенгаши меҳнат
муҳофазаси бўлими мудири



Мақтабимиз 1927 йилда қурилган. Газ билан иситадиган печлардан фойдаланамиз. Техник кўриқдан ўтказганлиги учун ёнғинга қарши кураш бўлимига ўқитувчилардан пул йиғилади. Шу тўғрими?

З. АБДУАЗИЗОВА,
Фаллаорол тумани

Ёнғиндан сақлаш хизматининг асосий вазифаларидан бири ёнғинлар профилактикасини ўтказиш ва ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширишдан иборат.

Ёнғинга қарши профилактика ўтказилганлиги учун ўқитувчилардан пул йиғиш қонунга зиддир.



Мен ва турмуш ўртоғим 2-гурӯх ногирони ҳисобланамиз. Ўғлимиз олий ўқув юртида шартнома асосида таҳсил олаётти. Таълим кредити олиш учун имтиёзга эгамизми?

Турсунбой БОЙМАНОВ,
Янгиобод тумани

Тижорат банклари томонидан таълим кредитлари бериш, уларни қайтариш, тўловнинг таъминланганлиги, муддатлилиги ва улардан мақсадли фойдаланиш шартлари асосида амалга оширилади.

Кам таъминланган оилалардан бўлган талабалар учун кредит бўйича қўшилган фоизларнинг 50 фоизи туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан тўланади.

Кўрсатиб ўтилган имтиёзга ҳуқуқли бўлган оилалар кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш ва уларга моддий ёрдам тайинлаш ва беришнинг амалдаги тартибига мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан аниқланади.

Таълим кредитини олиш учун қарз олувчи тижорат банкига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) таълим кредити бериш тўғрисидаги ариза;

б) талаба ва олий таълим муассасаси ўртасидаги тўлов-контракт асосида ўқиш ҳақида белгиланган тартибда расмийлаштирилган шартнома (контракт). Контрактда ўқининг белгиланган муддати ва бир йил учун тўлов миқдори кўрсатилган бўлиши лозим. Ўқиш учун тўлов миқдори кей-

инги йилларда ўзгарган ҳолларда контрактларга тегишли ўзгартиришлар киритилади, бу ҳақда олий таълим муассасаси ўн кун муддатда банкка ёзма равишда маълум қилади, сўнгра қарз олувчи, банк ва олий таълим муассасаси ўртасидаги кредит шартномасига зарур ўзгартиришлар киритилади;

в) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан қарз олувчининг яшаш жойи тўғрисида берилган маълумотнома;

г) кредитни қайтаришнинг таъминланиши тўғрисида ҳужжат;

д) имтиёзли таълим кредитлари олиш ҳуқуқига эга бўлган чин етимлар, «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланганлар, болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари, кам таъминланган оилалардан чиққанлар тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этадилар.

Қарз олувчи юқоридаги ҳужжатларни банкка тақдим этиш билан айна бир вақтда паспортини шахсан кўрсатади. Банк паспортдан ва тақдим этилган бошқа ҳужжатлардан зарур кўчирмалар ва нусхалар олишга ҳақлидир.

Олинган кредит қайтарилмалиги хавфининг олдини олиш мақсадида қарз олувчи қуйидаги таъминлаш шакллари билан биринчи банкка тақдим этиши

лозим, унинг амалга оширилиши унга қўйилган асосий талаб ҳисобланади:

мол-мулк ёки қимматли қоғозларни гаровга қўйиш;

банкнинг кафолати; учинчи шахснинг кафиллиги;

суғурта компаниясининг қарз олувчи кредитни қайтара олмаслиги хавфи суғурта қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полиси;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кафиллиги (фақат чин етимлар ва «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланганлар, болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари ва кам таъминланган оилалардан чиққанлар учун).

Банк қарз олувчи томонидан кредит олиш учун тақдим қилинган ариза ва бошқа ҳужжатларни ўрганиб чиқади.

Кредитни қайтариш таъминланиши сифатида кафолат ёки кафиллик шартномаси тақдим қилинган бўлса, банк гарант ва кафилнинг молиявий аҳолини баҳолайди.

Кредитни қайтариш таъминланиши сифатида мол-мулк ёки қимматли қоғозлар қўйилган бўлса, банк уларнинг бозор нархларини аниқлайди.

Тақдим этилган ҳужжатлар банк талабларига жавоб берса, банк, қарз олувчи ва олий таълим муассасаси ўртасида кредит шартномаси тузилади.



Оила бошлиғи вафот этгач, унинг вояга етмаган фарзандларига боқувчисини йўқотганлик нафақаси қандай тартибда белгиланади?

Худойберди НАЗАРОВ,
Карши тумани

Боқувчисини йўқотган, меҳнатга қобилиятсиз фуқаролар боқувчисини йўқотганлик нафақасини олиш ҳуқуқига эга. Иш вақтида майибланиш ёки касб касаллигига чалиниш оқибатида вафот этган боқувчи, шунингдек, марҳум пенсионернинг оиласига нафақа боқувчининг иш стажидан қатъи назар белгиланган меъёрларда тайинланади.

Умумий касаллик оқибатида вафот этган ҳамда ногиронлик пенсиясини тайинлаш учун етарлича иш стажига эга бўлмаган боқувчисини йўқотган оила аъзоларига нафақа боқувчининг бор стажига мутаносиб равишда тайинланади. Оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзосига нафақани ҳисоблаб чиқариш учун олинган ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг камида 50 фоизи таянч миқдори қилиб белгиланади.

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси тўлашни тўхтатишга сабаб бўлувчи ҳолатлар пайдо бўлганда пенсияни тўлаш ана шундай ҳолат пайдо бўлгандан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб тўхтатилади.

Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва jisмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорликни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларга кенг кўламли интерактив хизматлар кўрсатиш тизими йўлга қўйилди.

Интерактив хизмат

Солиқ тўловчилар электрон ҳисобот топшириш учун электрон қалит олиш билан бирга, унинг афзалликлари хусусида маълумотлар билан таъминланмоқда. Эндиликда оддий фуқаро ёки юридик шахс тўғридан-тўғри интернет орқали Давлат солиқ қўмитасининг сайтига кириб, бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаси билан ўзаро ҳисоб-китоблар тўғрисида маълумотлар ёки назорат органларининг тегишли давр учун хўжалик юритувчи субъектларнинг текшириш режа жадвалидан кўчирма олиш имконига эга. Шунингдек, тармоқ солиқ солиш бўйича норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида ахборот олиш, электрон солиқ ҳисоботларини қабул қилиш ва қайта ишлаш, солиқ ҳисоботларини жўнатиш бўйича хизматлар кўрсатиш, солиқ декларацияларини жўнатиш ва қайта ишлаш, солиқ тўловчи jisмоний шахслар ўзларининг шахсий солиқ тўловчи идентификацион рақами тўғрисида маълумотларни олишда ҳам қатор энгилликлар яратилмоқда.

Шухрат ХАСАНОВ,
Хоразм вилоят Давлат солиқ бошқармаси Ахборот тизимлари шўъбаси бошлиғи

Кенгашимиз ҳуқуқшунослари ҳар йили фуқароларнинг меҳнат қонунчилиги бузилаётганлиги тўғрисидаги ўнлаб мурожаатларини ўрганиб чиқади. Низолар асосан жамоа шартномасида кўрсатилган вазифаларга эътиборсизлик билан қаралиши, корхона раҳбарияти, касабаси уюшмаси раиси меҳнат қонунчилигини яхши билмаслиги натижасида вужудга келаяпти. Ҳар бир мурожаат атрофлича ўрганилиб, адолатли қарор қабул қилинишига кўмаклашилмоқда.

Ходим манфаати устувор

Жумладан, Шўрчи туманидаги 68-мактаб-интернати ходимлари Х.Ғозиева ва С.Менгниязова, Узун туманидаги 12-сонли «Булбулча» мактабгача таълим муассасаси мудири Ш.Сотибдиева, Қумқўрғон туманидаги 13-мактаб ўқитувчиси Ж.Бобоқулов, Жарқўрғон шаҳар қасб-ушунар коллежи АРМ раҳбари А.Эшмуродова, Бойсун туманидаги 1-мактаб ўқитувчиси П.Абдиев, Денов туманидаги 62-мактаб фарроши Б.Қўқорова, Қумқўрғон туманидаги 5-мактаб ўқитувчиси А.Йўлдошев меҳнат шартномаси ноқонуний бекор қилинганлиги учун вазифасига тикланди. Бундан ташқари, Денов туманидаги 10-мактаб ўқитувчиси Ж.Бекмуродов, Бойсун туманидаги 40-, 46-, Денов туманидаги 76-мактаб ўқитувчиларининг иш ҳақи, нафақа ва таътил пуллари ундириб берилди. Бунга ўхшаш мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин.

Касаба уюшмалари ҳар бир аъзонинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатини ҳимоя қилишга қодир.

Илҳом ТОШПҮЛАТОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Сурхондарё вилоят кенгаши ҳуқуқшунос маслаҳатчиси

— **Хар бир соҳанинг моҳир устаси бўлиш, энг аввало, билимли бўлишни тақозо этади. Жумладан, тадбиркорлик ҳам... Шунинг учун, суҳбатимизни тадбиркорлар малакасини ошириш, бўлажак тадбиркорларни тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусидаги мулоҳазалардан бошласак.**

— Билим. Кўника. Малака. Қай соҳада фаолият бошламайлик, аввало мана шу уч нарсага эга бўлишимиз зарур. Кейинчалик, йиллар давомида улар янада такомиллашиб боради. Баъзи бировлар тад-

оширди.

«Очиқ эшиклар куни» тадбири уюштириш анъанага айланган. Уларда тадбиркорларга ҳудудларда бўш турган бино ва уларни тадбиркорлик субъектларига бериш шартлари, тижорат банклари маҳаллий ва хорижий кредит линиялари орқали кредитлар (шу жумладан, инвестиция жалб қилиш учун имтиёзли кредитлар) ажратиш масалалари тўғрисида, шунингдек, янги замонвий техника ва технологиялар харид қилиш мақсадида чет элларда ўтказиладиган кўргазмаларда қатнашиш масалалари бўйича маълумотлар

бўлур» дейди халқимиз. Тадбиркорларимизни зарур ишлаб чиқариш воситалари, техникалар билан таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳам тўхталсангиз.

— Кичик ва хусусий корхоналарни техник жиҳозлаш, қайта жиҳозлаш учун ҳудудга хорижий сармояларни жалб қилишга кўмаклашяпмиз.

Тадбиркорларнинг турли халқаро кўргазмаларда иштирок этиши таъминланмоқда. Шу йилнинг ўзида 25 дан зиёд тадбиркор Пекин ва Гуанчжоу шаҳарларидаги кўргазмаларда иштирок этиб қайтди.

азим» илмий ишлаб чиқариш корхонаси томонидан Туркманистонда савдо уйи ташкил қилиш бўйича амалий ёрдам берилди.

— **Қилинаётган ишлар қандай самара бераяпти?**

— Жорий йилнинг 1 апрел ҳолатига вилоят ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида кичик бизнеснинг улуши 56,3 фоизни, шунингдек, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида 26,3 фоизни, қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотига 99,7 фоизни, жами хизматлар 50,1 фоизни ташкил қилганлигини қайд қилиш мумкин.

Йилнинг ўтган даврида

10 йил муддатда тўлаш ҳамда 200 минг АҚШ доллари ва 300 млн. сўм инвестиция киритиш шарти билан сотиб олинган. Лойиҳа қуввати йилига 100 минг жуфт эркалар пойабзали ишлаб чиқариш бўлиб, 75 та янги иш ўрни яратилди. «Урганч Бахмал» МЧЖ йилига 9,6 млн. п.м. гулли газлама ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Бу ерда 15 та ишчи ўрни ташкил қилинди. «Мега сфера» кўшма корхонаси йилига 15 минг дона небел ишлаб чиқариш қувватига эга. «Йўлдош танобчи» хусусий корхонаси 3 минг кв. м. кўзгу ишлаб чиқариб, унга ишлов

Тадбиркорга таянчимиз

биркор бўлиш учун маблагнинг ўзи етарли деб ҳисоблайди, бу тўғри эмас. Билимсизлик оқибатида қанчадан-қанча тадбиркорлар касодга учраб, бор-будидан ажраб қолганлари ҳам бор гап.

Бундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш, тадбиркорликни чинакам даромад, юксалиш, фаровонлик манбаига айлантириш мақсадида бўлажак тадбиркорларни тайёрлаш, фаолият кўрсатаётганларининг малакасини ошириш чораларини кўраяпмиз. Йилнинг ўтган даврида бошқарма, унинг туман (шаҳар) ахборот-маслаҳат марказлари томонидан кадрларни тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш юзасидан 1000 га яқин тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтди ва турли курсларда ўқитилди.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам бериш, уларни қўллаб-қувватлаш чоралари кучайтирилмоқда.

— **Тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган кўплаб қонун, қонуности ҳужжатларида соҳа вакилларига қатор ҳуқуқлар, имтиёзлар ва имкониятлар берилган. Шунга қарамай, баъзан қонунбузилишлар ҳам учраб турибди. Бундай вазиятда палата тадбиркорларга қандай кўмак бериши мумкин?**

— Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш мақсадида 2011 йилнинг 6 ойи давомида 198 та давво ариза киритилган бўлиб, шундан 96 таси тадбиркорлар фойдасига ундириб берилди. Қолган 102 та давво ариза хўжалик суди томонидан кўриб чиқилмоқда.

Тадбиркорлар ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймасликнинг асосий йўли уларни қонунлар билан таништириш, ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлашдир. Жорий йилнинг январ ойида Савдо-саноат палатаси ташаббуси билан Ўзбекистон Президентининг «Фермер хўжаликларини оптималлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ўқув-семинар ташкил қилинди. Унда 720 та фермер хўжалиги раҳбарлари қатнашиб, ўзларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари тўғрисидаги билими ҳамда малакасини

Ўзбекистон савдо-саноат палатаси Хоразм вилоят бошқармаси бошлиғи Баҳодир Аҳмедов билан суҳбатимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида хоразмлик тадбиркорлар фаолиятини янада такомиллаштириш, рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг самаралари хусусида бўлди.



етказилмоқда. Очиқ эшиклар кунларида тадбиркорлик субъектлари томонидан 346 та мурожаат қилинган бўлса, шундан 238 таси бугунги кунда ўз ечимини топди. Қолган 108 таси туман ҳокимлиги ва бошқа тегишли ташкилотлар томонидан ўрганилмоқда.

Вилоятнинг Боғот, Хонқа, Шовот ва Янгибозор туманларида бўлиб, «Ягона ойна марказлари»ни ташкил этишга масъул корхона, ташкилот раҳбарлари билан учрашув, семинарлар ўтказилди. Семинарларда «Ягона ойна маркази»ни ташкил этишга ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйишга доир тушунтиришлар берилди ҳамда муддатлар белгиланди. Урганч шаҳри ва Гурлан туманида «Ягона ойна (дарча) маркази» ташкил этилди.

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига аралашиб, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқлар ва тадбиркорларнинг талаблари асосис равишда рад этилганлик ҳолатлари аниқланганда, ваколатли давлат назорат идораларига мурожаат қилиш бўйича туман ахборот-маслаҳат марказларига топшириқлар берилди.

— **«Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз**

2010-2011 йиллар давомида Хитой Халқ Республикасида ўтказилган кўргазмаларда иштирок этган тадбиркорлар 50 тадан ортиқ замонавий ишлаб чиқариш (қурилиш, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат) ускуналарини олиб келиб ишга туширди.

Ишлаб чиқариш ускуналарини лизинг асосида етказиб бериш имкониятлари, уларни излаш, олиш юзасидан шартномалар тузиш бўйича «Uzbekleasing» лизинг компанияси ва вилоятдаги бир қатор мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Вилоятга хорижий инвесторларни жалб қилиш ва экспорт ҳажмларини ошириш мақсадида интернет сайтларига мунтазам равишда маълумотлар жойлаштирилмоқда. Жумладан, вилоятдаги экспортбop маҳсулотлар базаси шакллантирилиб, улар тўғрисидаги маълумотлар Савдо-саноат палатасининг OPENXOREZM.UZ сайтига жойлаштирилди. Шунингдек, экспорт ҳажмларини кўпайтириш мақсадида «Хоразм гиламлари» МЧЖнинг Москва шаҳрида («Ковры Хорезма» савдо уйи) савдо уйи ташкил қилинди ҳамда «Мега Сфера» Ўзбекистон-Россия кўшма корхонаси ва «Ал-Бей-

уюштирилган саноат ярмаркаларида вилоятимиздан 115 дан зиёд тадбиркор 350 дан ортиқроқ маҳсулотлари билан иштирок этганлиги, «Ташаббус» кўрик-танловида қатнашувчиларнинг сони ортиб бораётганлиги ҳам хизматларимиз самарасидир.

«Ташаббус-2011» кўрик-танлови вилоят босқичи натижаларига кўра «Энг яхши тадбиркор» йўналиши бўйича Урганч шаҳридаги «Ирригация темир бетон қурилиш» МЧЖ, «Энг яхши фермер» йўналиши бўйича Урганч туманидаги «Баҳром» фермер хўжалиги ва «Энг яхши хунарманд» йўналиши бўйича Урганч шаҳридаги хунарманд Фароғат Саъдуллаева фахрли 1-ўринни эгаллаб, республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Республика босқичида Фароғат Саъдуллаева «Энг яхши тадбиркор аёл» номинацияси голиби бўлди.

Шу ўринда ўз фаолияти билан вилоят иқтисодиёти ривожига муносиб улуш қўша бошлаган бир неча тадбиркорлик субъектлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтсам. 2009 йилда «Darital shoes» МЧЖ фаолият бошлади. Корхона «Kottontex» ҚК томонидан 2,6 млрд. сўмга

беришга ихтисослашган.

— **Палатанинг вилоят бошқармаси вилоят ҳокимлиги, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ўртасидаги минтақавий шартномани иш берувчилар номидан имзолаган. Ушбу минтақавий шартномада кўрсатилган шартларнинг бошқарма томонидан ижросини таъминлашга қаратилган ишлар қандай?**

— Ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш, жамоатчилик назоратини ўрнатиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан саналади. Минтақавий шартнома бир неча йиллардан бери таъсис қилинган келинади. Аммо, бу йил имзоланган шартнома олдингиларидан тубдан фарқ қилишини таъкидлашни истардим. Бойси уни имзолаётганда Вазирлар Маҳкамаси, Савдо-саноат палатаси, касаба уюшмалари Федерацияси ўртасида имзоланган Бош келишув таллабларига таяндик.

Эндиликда унинг ижросини таъминлаш ҳар учала томонга ҳам бирдай масъулият юклайди. Бугун мамлакатимизда модернизация ишлари кенг давом этаётгани барча соҳаларда ишчи-хизматчиларга муносиб иш шароитлари яратилишини таъминламоқда. Шу билан бирга ишлаб чиқариш қувватининг ошишига сабаб бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш манбаларини шакллантиряпти.

Шу ўринда «Жамоатчилик кенгаши» комиссиялари фаолияти ҳам ижтимоий шериклик тамойилларини мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Мақсадимиз битта — аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, юртимиз иқтисодий ривожланишини таъминлаш, тинч-тотув турмушимизни кафолатлашдир. Элдошларимизнинг истиқлол берган имкониятлардан тўла фойдаланишига кўмаклашишга қаратилган тадбирларимиз эса узлуксиз давом этади.

«Ishonch» муҳбири Мухаббат Тўрабоева суҳбатлашди

Суратда: Урганч туманининг «Олтинқул» маҳалласида яшовчи қўли гул тикувчи, моҳир зардўз Севинчи Солаева онаси Зулфия опа билан.

Шавкат ХУДОЙБЕРГАНОВ (ЎЗА) олган суратлар



Яқинда «Ishonch»нинг бир гуруҳ ходимлари Чинобод санаторий-си маъмурияти таклифига биноан дам олувчилар ҳузурда бўлишди. Учрашув гоят ҳаяжонли ўтди. Бизни қувонтирган илк ҳолат — олиб борган китоб ва газеталаримиз талаш бўлиб кетди. Тадбир эса бадий тус олиб, шеърга, куй-кўшиққа уланди. Ҳодимларимиз сафида санаторий олий тоифали шифокори Холида Очилова, ФарДУ профессори Йўлдош Солижонов, ЎзМУ профессори Нурали Саидахмедов каби номдор зиёлилар борлигидан севиндик.


Эртаси кун тахририятга кетма-кет кўнғироқлар бўлди. Кўпчилик байрамона тадбир учун бизга миннатдорлик билдирди. Улар орасида қашқадарёлик аёлнинг ташаккури айрича бўлди. У анчадан буён ижод қилмай кўйган қизининг ўша учрашув сабаб яна кўлига қалам олганидан хурсанд эканлигини таъкидлади. Айтмоқчи бўлганимиз шуки, ижодий фаолиятимизга муштарийларнинг газетамизга бўлган эътибори, унда берилётган материалларга фаол муносабати куч бағишлаб, масъулиятимизни янада оширади. Бу галги саҳифамизда таклиф ва мулоҳазалар билан бирга газетхонлар ижодига кенг ўрин ажратдик. Зеро, байрамга шеър кўшиқ ярашади.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими муҳаррири

Мулоҳаза

«Ishonch» газетасини илк сонидан бошлаб ўқиб келаман. Унда ёритилаётган мақолалардан руҳланиб, баъзан кўлимга қалам оламан. «Мусиқа муаллими эсдан чиқмасин», «Иймонли бўлайлик» каби мақолаларим шу нашрда чоп этилган.

Ҳаммаси ўзимизга боғлиқ



Узоқ йиллар Янгийўл шаҳридаги 22-болалар мусиқа ва санъат мактабида дарс бериш билан бирга, бошланғич касба уюшма ташкилотидо фаоллик кўрсатганман. Президентимизнинг «Болалар мусиқа ва санъати мактабларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уларнинг иш фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши чиққач, мусиқий таълим ривожига эътибор янада кучайди. Шу муносабат билан Юртбошимиз номига табрик хати юборган эдим. У 2009 йилда «Президентга мактублар» китобига киритилди.

Бундай кенг имконият яратилганлиги биз — соҳа вакилларида ёш авлоднинг мусиқий қобилиятини ўстириш, уларни миллий санъатимиз руҳида тарбиялашга масъулият билан ёндашишни талаб этади. Боиси, ёшлар ўртасида энгил-елпи кўшиқларга қизиқиш кучайишига, аввало, ўқув муассасаларида мусиқа таълимининг талаб даражасида эмаслиги сабаб бўлмоқда.

Яна бир жиҳатни айтиб ўтиш лозим. Баъзан ота-оналар болалар мусиқа ва санъат мактабларининг тўлов бадаллари юқорилигидан шикоят қилишади. Тўғри, бу бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиқиб белгиланган. Аммо санъатга ихлосманд қалб эгаларига энгиллик яратиш ҳақида мутасаддилар ўйлаб кўришса, ёмон бўлмасди.

Саиджон КАБИРОВ,
Янгийўл шаҳридаги 22-болалар мусиқа ва санъат мактаби олий тоифали муаллими

Мустақиллик халқимизга эркин, тинч ва фаровон ҳаёт кечириш имкониятини тўхфа этди. Ҳар жабҳада тараққиёт, юксалиш кўзга ташланмоқда. Айниқса, ёш авлодни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш йўлида улкан ишлар амалга ошириляпти.

Кўнғилни ёруғ этган нур

Ўттиз йилдан буён мактабгача таълим муассасасида тарбиячи бўлиб ишлайман. Қанчадан-қанча болажонларни мактабга тайёрладим. Шунга амин бўлдимки, мустақиллик даврида улғаяётган ўғил-қизларнинг фикрлаши ҳам, жисмоний ривожланиши ҳам олдинги болалардан фарқ қилади. Ҳозирги

ёшлар кенг тафаккур, билим ва иқтидорга эгаллиги билан ажралиб туради. Бу, шубҳасиз, келажагимиз эгаларига қаратилаётган ҳар томонлама эътибор, яратилаётган кенг имконият самарасидир.

Халқаро микёсдаги мусобақалар, кўрик-танлов ва фестиваллар, фан олимпиадаларида ёшларимизнинг куч

Дил изҳори

ва иқтидорини намойиш этиб, ютуқларга эришаётганидан чексиз фахрланаман. Ўсиб келаётган авлод келажақда ватанимизнинг ҳақиқий эгалари бўлишига кўнғилда кучли ишонч уйғонади. Истиклолимизнинг 20 йиллик нассими кезиб юрган лаҳзаларда порлоқ истиқболимизга кўз ташларканмиз, дилимиз нурга тўлади.

Муаттархон ИСМАТОВА,
Учтепа туманидаги
436-болалар боғчаси тарбиячиси

Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан

«Биринчи синфга қандай борганим ҳамон эсимда. 1990 йилнинг сентябри эди. Оилада бешинчи фарзанд бўлганим учун ҳам опа-акаларимнинг «Алифбе»ларини кўтаравериб, салкам титилиб кетай деган сўмкани елкамга осганча, бошланғични битирдим. Ота-онам ўқитувчи эди. Маошнинг базўр етказишгаётганини тушуниб турганим учун бирор марта янги сўмка хархашасини қилмадим. Орадан тўрт йил ўтиб, бу бечора матоҳ укам учун ҳам хизмат қиладими, деб ўйлагандим. Хайриятки, пешонамизга теккан офтоб, укамнинг ҳам елкасида ярақлай бошлади».

Илм қалипти

Биринчи кўнғироқ тантанасида болалигини шу тарзда эсга олган ҳамкасбимнинг хотираларини тинглар эканман, Президент совғасини қабул қилаётган мустақиллик болаларига ҳавас билан тикилдим. Уларнинг бахтига кўзунчоқлар тақиб кўйгим келди. Ахир, кечагина сизу биз ҳам мактаб остонасига ҳаяжон билан қадам қўйган эдик-ку! Аммо аксариятимиз ҳамкасбим каби илк ўқув йилидаёқ «ўлмас моллар» эгасига айландик. «Эски сўмка билан биринчи синфга борган бўлсак, шунга ота гўри қозихонами?!» деган ўй ҳам ўтаётгандир кўнглингиздан. Бу зинҳор ношукрлик ёхуд молпарастлик эмас! Бор-йўғи истиқлолнинг бизга бераётганларининг оддий унсурларини эслатмоқчиман.

Мактабларимиз мукамал архитектура ечимига эга бўлибгина қолмай, салоҳият жиҳатидан ҳам юқори чўққиларни забт этаётди. Бунинг асосий сабаби сифатида миллий таълим тизимининг тўла шакллантирилганлигини кўрсатсақ тўғрироқ бўлар. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонун соҳа истиқболини белгилашнинг омили бўлмоқда.

Тўғри белгиланган йўл сабаб ўзбек

мактабида шаклланиб, коллеж ёки академик лицей сабогини олаётган ўқувчиларимиз халқаро фан олимпиадалари, дунё спорт ареналарида юқори ўринларни забт этишаётди. Аслида, Хуррият сабаб яратилган имконият ва ютуқларнинг барини санашга имконимиз ҳам етарли бўлмас. Аммо бир савол туғилади: шундай чексиз имкониятлар яратиб бераётган Она Ватан, муқаддас тупроғимиз учун биз нима қила олаёلمиз, унинг олдидаги қарзимизни нечоғлик узишга қодирмиз? Аслини, олганда, бу борада таълим тизимида хизмат қилаётганларнинг зиммасидаги масъулият кўпроқ. Зеро, биз мурғак қалблардан ҳаёт синовларига бардош бергудек баркамол инсонларни етиштиришга масъулмиз. Айни шу етуқ инсонлар Ватанини тараққиётнинг равон йўлига олиб чиқишга қодир бўлади.

Кечаги кунимизга бир назар солайлик. Истиклолга эришган дастлабки кунларда захирамизда бир неча кунлик галла бор эди холос, хавфсизликка таҳдид солиб турган турли бузғунчилик кайфиятларининг устуворликка интилиши муаммосидан ташқари тил, дин, яшаш, тинчлик, давлатимиз мустаҳкамлиги му-



аммолари долзарб бўлиб турарди. Мана шундай оғир вазиятни енгиб бугунги фаровон кунларга қадар етиб келдик. Йиллар ўтгани сари мустақиллигимизни кўролмайдиганлар сафи қисқариб боради, деган фикр мафқуравий жиҳатдан хато бўлур эди. Мафқурада ҳар қандай ҳимоя мағлубиятдир. Унда ютишнинг энг асосий омили рақибингиздан икки қадамдан олдинда юриш, ҳар қандай бўшлиқни маънавий бойлик билан тўлдирингиз. Биз айнан шундай: мафқуравий таҳдидларга бой маънавий олами, теран тафаккури ва юксак онги билан қарши тура олувчи авлодни шакллантириш масъулиятини кўнғилмизга тугиб, илм қарвонига қўшилдик. Демакки, Ватан учун бермишларимиз ҳам шу бурч, шу масъулият ижроси билан ифодаланади.

Ҳар қандай катта қулфларни ҳам кичкина калитлар билан очиб ва ёпиш мумкин, деган ҳикматли гап бор. Буюк мамлакатнинг эркин ва шижоатли фарзандларига шу калитни тутқазиб биз устозларнинг ҳаётий шўрига айланса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Нилуфар ОЙМАТОВА,
Тошкент шаҳридаги 193-мактаб ўқитувчиси

Бахтиёрман — сенга тенгдошман!

Ассалому алайкум, тахририят ходимлари! Авваламбор, сизларни яқинда нишонланган мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрами билан чин қалбдан табриклайман.

Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида иш юритувчи лавозимда ишлайман. Тиббиёт марказимиз газетангизга обун бўлгани боис унинг ҳар бир сонини қизиқиш билан кузатиб бориш имконига эгаман. Бўш вақтимда ижод билан шуғулланаман. Ижод намуналаримдан юбормоқдаман. Ҳурмат билан Дилфуза Маҳхамова.

Ватан, киндик қоним тўкилган, онам каби муқаддас гўшамсан. Мустақиллигинга тенгдош бўлиб дун-

ёга келдим. Бу мен учун чексиз бахт. Дунёга келдим унинг гўзалликларини, мусаффо осмонни, тинч диёр-

ни кўрдим.

Ёшимга ёш қўшилган сари сен ҳам ўсдинг, сен билан бирга улғайдим, мустақил-

Ифтихор

лик берган неъматлардан бахраманд бўлдим. Мустақиллик нафақат менга, балки барча ёшларга улкан имконият эшигини очди. Кечагина кўлига қалам тутиб ёзишни ўрганаётган қизалоқ бугун мустақил фикрлай олишга, олдига қўйилган мақсад сари интилишга, йўлида учраган ҳар қандай тўсиқни енга олишга тайёр

кучли, ўзбек қизи бўлиб воёга етган экан, демак, мустақиллик ҳақиқий кучини кўрсата олди.

Мана, Мустақилликнинг 20 йиллик тўйини нишонладик. Шу кунларда кўнғил фақат ифтихор, фахр туйғуси билан йўрилган.

Дилфуза
АБДУСАМАД қизи

GAZETKHON — GAZETA



«Ishonch» — доимий ҳамкоримиз

Корхонамиз Бухоро ва Навоий вилоятларида газ соҳасида меҳнат қилаётган 3016 нафар касаба уюшма аъзосини 22 цех ташкилоти орқали бирлаштирган бўлиб, туман ва шаҳар газ филиалларида меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатини ҳимоялаш борасида кўплаб ишларни амалга ошираёпмиз. Маъмурият билан ҳамкорликда аъзоларимиз томонидан кўтарилаётган муаммо ва таклифларни ўрганиб, ижобий ҳал қилиш чорасини кўраёпмиз.

Бу борада бизга «Ishonch» газетасида «Бошланғич ташкилотларда», «Ижтимоий муҳофаза», «Ўрганса арзийди», «Энг яхши бошланғич ташкилот», «Турмуш чорраҳаларида», «Ҳуқуқий маслаҳатхона» ва бошқа руқнлар остида чоп этилаётган мақолалар кўл келаётган.

Шу ўринда «Ishonch» газетасининг 2011 йил 2 июлдаги сонидида чоп этилган А. Тошевнинг «Аъзолар ишончи куч бағишлайди» номли мақоласи тўғрисида фикр билдирмоқчиман. Биринчи-

Истиқлол йилларидаги фаолиятим касаба уюшмалари билан боғлиқ кечди. 1991 йилда Бухоро вилоят «Маҳаллий саноат» компанияси бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси этиб сайланган бўлсам, кейинчалик енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма кўмитаси раис ўринбосари, ташкилий ишлар бўлими мудири бўлиб ишладим. 2007 йилдан буён «Фарбгазтаъминот» унитар корхонаси касаба уюшма кўмитаси мутахассиси вазифасида меҳнат қилаёпман.

○ Таклиф

дан, жуда долзарб мавзу ёритилган. Чунки сўз чет эл корхонаси тўғрисида бормоқда. Аксарият ҳолларда чет эл ва қўшма корхоналарда иш берувчи ҳамда касаба уюшма кўмитаси ўртасидаги мулоқотлар осон кечмаслигини яхши биламиз. Иш ҳақининг вақтида оширилиши, тўланиши, меҳнатни муҳофаза қилиш, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатини ҳимоялаш, ходимлар ўртасида маданий-маърифий ва спорт тадбирларини уюштириш бўйича «ДЭУ Текстил Фарғона» МЧЖда олиб борилаётган ишлар бошқа чет эл корхоналарида ҳам ўз аксини топса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Охириги йилларда газетада босилаётган мақолаларнинг сифати, долзарблиги тўғрисида ҳам тўхталмоқчиман. Илгари газета саҳифаларида теледастур, турли реклама ва эълонлар кўпроқ ўрин олар эди. Ҳозирда касаба уюшма ташкилоти ишларини такомиллаштириш, касаба уюшма фаолларининг

малакасини ошириш, бошланғич ташкилотларда олиб борилаётган ишлар, касаба уюшмаларининг ҳозирги кундаги вазифаси каби долзарб масалалар кенг ёритилмоқда.

Корхонамиз маъмурияти ва касаба уюшмаси томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари саҳифаларида акс эттирилаётганлиги бизни хурсанд қилаяпти. Газетанинг Бухоро вилояти бўйича муҳбири Иззатилла Ҳожиев билан ҳамкорликни йўлга қўйганимиз самара бермоқда.

Юртимизда кенг қўламли ислохотларнинг амалга оширилиши, ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаати ҳимояси, ижобий ўзгаришларни кенг тарғиб қилиш бўйича газета жамоасининг олиб бораётган ишларида муваффақият тилайман.

Баҳодир Тўраев,
«Фарбгазтаъминот» унитар
корхонаси касаба уюшма
кўмитаси мутахассиси

○ Газетхон илҳами

Исма-тулла Умаров 1949 йилда Каттакўрғон туманида таваллуд топган.



1972 йили Бухоро давлат муаллимлар тайёрлаш олийгоҳини тугатган. Олий тоифали ўқитувчи. Журналистлар уюшмаси аъзоси. Айни пайтда Республика «Шаҳидлар хотираси» жамоат фонди Каттакўрғон шаҳар бўлими раиси.

У 1966 йилдан буён шеър, ҳикоя, лавҳа, очерк, мақола ва таржималари билан матбуотда қатнашиб келади. 2004 йилда «Кўш торлар оҳанги» китоби нашр этилган.

Салом сеҳри

Ассалому алайкум, эй дўст,
Кунларимиз бошланар шундай.
Бир каломнинг қувватидир бу,
Юзларимиз яшнайдиган кундай.

Бизнинг халқда келса назира,
Бобо дейди: «Саломинг қани?»
Бунда йўқдир бирон-биргина,
Йўлга солган гўр йигитчани.

Саломлашган бизлар эркаклар,
Бир-бирини бағрига босиб.
Маънавият белгисидир бу,
Бу қадимий халққа муносиб.

Салом берган қизини ота,
Ўлар доим пешонасидан.
Сўраб келган ўзбекча салом,
Бериб хирар остонасидан.

Ҳар бир халқнинг ўз одати бор,
Ҳар бир юртда ўзгача салом.
Ўзбек эса ажралиб турар —
Икки қўли кўксига мудом.

○ Масбуллик

Мамлакатимизда ёшлар учун яратиб берилган кенг имкониятлар, Президентимиз томонидан кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрликлар хусусида қанча гапирсак оз. Уларни жисмонан ва руҳан баркамол инсонлар этиб тарбиялаш борасида улкан ишлар амалга оширилаётган.

Мамлакат келажаги

Бугунги кунда туманимиз аҳолисининг 35 минг нафарга яқинини ёшлар ташкил этади. Уларнинг билим олиши, касб-хунар эгаллаши учун барча шарт-шароит яратилган. Замон руҳига мос равишда бунёд этилган 66 та умумтаълим мактаби, 6 та касб-хунар коллежида ёшларимиз ўқиб, касб-хунар эгалламоқда. Ушбу таълим масканларида 26 та спорт заллари, спорт комплекслари ёшлар ихтиёрида.

Албатта, ҳар бир фарзанд оила бағрида улғайиб, тарбияланади. Оиладаги соғлом муҳит ҳар бир фарзандни одобли, ахлоқли, баркамол инсон бўлиб улғайишида муҳим аҳамиятга эга. Халқимиз «қуш уясида кўрганини қилади» деб бежиз айтмаган. Шунингдек, ФХДЭ бўлимимиз қошида «Ёш оила қурувчилар мактаби», «Ёшларнинг никоҳ тузиш тартиби ва шартлари», «Қиз бола одоби ва ҳаёси билан гўзал» мавзуларида мунтазам ўқув машғулотлари олиб борилаёпти. Жорий йилнинг ўтган даврида 3 нафар кам таъминланган оила фарзандлари никоҳи ҳомийлик асосида қайд этилди.

Ватан равнақи, миллатимиз келажаги бугун ёш авлод қўлида. Шундай экан, уларни ҳар томонлама етук, билимли, соғлом қилиб тарбиялаш биз — катталар, ота-оналарнинг вазифамиз ҳисобланади.

Гулбахор ШАҲАРОВА,
Жиззах вилояти Фориш тумани
ФХДЭ бўлими мудири

○ Олтин куз...



Зўр қизиқиш билан

«Ishonch» газетасининг 2011 йил 16 июл 82-сонидида «Инсон ва қонун» рўқнида берилган ҳуқуқшунос-журналист Довуд Мадиевнинг «Раддия бериш рад этилади» мақоласини жамоамиз ўртасида ҳам ўрганиб чиқдик.

Мустақилликка эришган дастлабки кунлардан ҳуқуқий демократик жамият барпо этишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида улкан довлонларни босиб ўтдик. Қарши Давлат 10-ихтисослаштирилган мактаб жамоасининг ҳуқуқий ҳимоя сўраб Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашига қилган мурожаати ижобий яқун топганидан

мамнун бўлдик. Мақолада ўқитувчиларнинг миннатдорлик билдириб йўллаган хатларидан айнан кўчирмалар келтирилган. Унга кўра, текшириш вақтида, яъни 2010 йил декабр, 2011 йил январ, феврал ойларида тўхтатиб қўйилган маблағларни олганлиги ёзилган.

Мақолани ўқиб, руҳландим. Юртдошларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги ўсаётганидан мамнун бўлдим. «Ishonch» газетаси муҳарри-

рияти ва касаба уюшма аъзоларига нисбатан хурматим янада ошди.

Ходимлар ҳуқуқини ҳимояловчи шундай фидойи инсонлар борлигини кўриб, юкимиз ҳеч қачон ерда қолмаслигига, қадримиз оёқости бўлмаслигига ишонч ҳосил қилдим.

Хулқар ҲАЙИТОВА,
Қарши шаҳридаги
23-умумий ўрта
таълим мактаби
ўқитувчиси

Япониялик олим, доктор Масару Эмото сувнинг кучли шифобахш хусусиятга эга эканлигини инкор этиб бўлмас далиллар билан исботлади. Ер сайёрасида энг кўп тарқалган бу унсурда инсоннинг соғлом яшаш сирлари мужассамлашгани аниқланди. Сув инсон жисми билан унинг фикр, ният, ҳис-туйғулари, руҳиятини боғловчи кўприк саналаркан. Бу ҳақда у шундай ҳикоя қилади:

— Гарчанд маълумотим дастлаб илмий фаолиятга йўналмаган бўлса-да, анчадан буён сувни тадқиқ этаман. Исокогама университети ижтимоий факултетида ўқиб, Америка-Хитой муносабатлари бўйича ихтисослашганман. 1987 йили, 43 ёшимда илк бор сувнинг гаройиб хусусиятларига дуч келдим. Савадо соҳасида ишлардим. Ҳамкорлардан бири оёғимдаги оғриқни махсус тайёрланган сув ёрдамида даволашни маслаҳат берди. Хайратланарлиси, мен олган дори-дармонларнинг барчасидан кўра шу сув дардим аришига кўпроқ ёрдам берди. Бу эса сувни тадқиқ қилишимга туртки бўлди. Вақт ўтган сайин бу унсур ўзида ахборот йиғиш хусусиятига эга, деган қатъий хулосага келдим. Айтايлик, чиройли манзарага боқаркансиз, ажиб бир сокинлик кўнгулга инади, ёқимли мусиқа тинглаганингизда қалб покланади. Сув билан боғлиқ тадқиқотларим натижалари жамулжам бўлган «Тўлқин тебранишлари ҳақиқати» деб номланган китобим 1994 йилда босилиб чиқди. Бу йўналишдаги ишларим гоё кучли акс-садо беради, деб ўйламагандим. Муваффақиятдан руҳланиб, келгуси беш йил мобайнида кристалларни расмга туширишда давом этдик. Шу фурсат ичиде ҳадо (барча нарсага хос энергия ёки тебранишлар) ҳамда сувга оид тажрибалар тўғрисида бир неча китоб чиқардим.



да айтилганда шаклан бир хил бўлмаса-да, чиройли кристаллар ҳосил қилди. Ҳа, сув қайси тилда айтилишидан қатъи назар сўз мазмунини англари. Сув сўз тузилишига эмас, унинг моҳиятига кўра ижобий-салбий аҳамиятини «тушуниб» кристаллар ҳосил қиларди. Тадқиқотларимиз жараёнида битта сурат мени гоёта ҳаяжонга солди. Кристалл гўзаллигидан тилим лол эди. Кристалл барқ уриб очилган гулга ўхшарди. Сув ўз шодлигини англатиш учун қулочини кенг ёзган, уни «муҳаббат» ва «эҳтиром» сўзи қувонтирган эди».

ЎЗИМИЗ СУВМИЗ

Масару Эмотонинг тадқиқотларидан аён бўлдики, сув ўзи қабул қилаётган ахборот табиатига кўра, яхшиланади ёки ёмонлашади. Модомики, улағайган инсон вужудининг 70 фоизини сув ташкил этса, унга ҳам ўзи қабул қилаётган ахборот яхши ёки

1999 йилда тадқиқотчининг «Сувнома» китобини рафиқаси Кадзуко нашрдан чиқарди. Китоб япон тилида эди. Ҳар эҳтимолга қарши расмларга инглиз тилида изоҳ беришга қарор қилинди. Натижада, китоб хоррий ўқувчиларни ҳам ўзига тортди, айна пайтда жаҳондаги 20 дан зиёд тилга таржима қилинди. Вақт шитоб билан ўтапти. Ҳозирда дунёнинг барча бурчагидан сув ва ҳадо тўғрисида маъруза ўқишини сўраб, унга таклифлар тушмоқда. Унинг сув ҳақидаги мақолаларини ўқиган, эшитганлар хайратда қолишяпти.

Ҳа, биз ҳозирга қадар бу ажойиб унсур тўғрисида гоё оз биламиз. Одатда сувни эътиборсиз ичамиз. Унинг ҳаётдаги аҳамияти, зарурияти барчага маълум. Сувга шунчалар ўрганиб қолганмизки, камдан-кам ҳолларда онгли тарзда обихаётнинг иззатини жойига қўямиз. Хўш, сувнинг ўзига хос табиатига жиддий қараб кўрганмизми? Ичаётган сувимиз соғлигимиз, ҳаётимизни яхшилашга қодирлигини биламизми? Сув хоссаларини онгли равишда ўзгартира олишимиз мумкинлигини-чи? Сувга ташақур айтсангиз, унинг сифати яхшиланиб, ҳақорат қилсангиз ёки эътиборсиз бўлсангиз, сифати ёмонлашини тажрибадан ўтказиб кўрганмизми? Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2005 йилни Сув ўн йиллиги (2005-2014) даврининг бошланиши деб эълон қилди, бу қуруқ гап эмас. Келинг, Сув ҳақида янада кўпроқ билайлик, Унга астойдил эътибор берайлик. Уни қанчалар кўп билсангиз, ўз-ўзингизни янада равшанроқ англай бошлайсиз. Бу борада сизга доктор Масарунинг тадқиқотлари асқотади.

ТАДҚИҚОТЛАР ҚАНДАЙ РИВОЖЛАНДИ?

— ...Уша куни қўлида расмларни кўтарганча лабораториядан югуриб чиққан шогирдим Исибасининг юзидаги хайрат, ҳаяжонни асло унутмайман, — дейди Эмото. — Ҳозир ўшандаги аҳолимизни, зиммамизга нечоғли катта вазифа олганимизни таҳлил қиларканман, инсондаги ишонч қудратига бош эгмай илож қолмайди. Мендаги, сувни музлатиб, кристалларини албатта расмга

оламиз, деган қатъий ишонч, муҳими, ниятимизнинг холислиги эди. Пул ишлаб қолиш, бойиш деган вазасалар кўнглимизнинг кўчасига келмаган. Балки худди шунинг учун ҳам уринишларимиз мевасини берди. Сув пок, гўзал чехрасини бизга намоеъ этди. Кристаллар қандай расмга олинди, дерсиз? Айна пайтдаги иш усулимизни тасвирлаб берайин. Шиша идишдаги сувга ахборот ташуви чӣзма сўз, сурат ёки мусиқадан бири таъсир кўрсатади. Сўнгра таъсирланган сув диаметри 5 см. бўлган эликта дастали пиёлага тақсимланиб, 25 даражадан ҳам пастроқ ҳароратли музлаткичга қўйилади. Уч соатдан сўнг пиёлалар олинганда, шар шаклидаги муз бўлаклари ҳосил бўлганини кўриш мумкин. Муз бўлақларининг ҳар бири микроскопда ёритилиб текширилади. Иш жараёни рисоладагидай кетаётган бўлса, ҳарорат кўтарилиши асносида муз эриб, кристаллар вужудга кела бошлайди. Икки-уч дақиқадан сўнг шарсимон муз ғунчаси япроқ ёзаётган гул янглиғ очилади. 50 дона бир хил сиймилли пиёлада, бир хил совуқ ҳароратда музлатилган сув, қарангки, ҳар хил кристаллар ҳосил қилади. Биз кристалларни гуруҳларга ажратамиз — гоё чиройли қиррали, шакли нотугал кристалл ва кристалл ҳосил қилмаган муз бўлақлари. Статистик таҳлилдан аён бўлмоқдаки, муз кристаллари ўрганилаётган сув сифати қандайлигини кўрсатмоқда.

ТАБИИЙ, ҚУВУР ВА МИНЕРАЛ СУВИ

Тадқиқотларни давом эттираркан, олим исбот талаб қилинмас ҳақиқатга дуч келди. Водопровод суви музлатилганда кристалл ҳосил қилмади. Табиий сув музидан шакланган олтибурчакли кристалл чиройига эса мафтун бўлиб қоласиз. Зеро, табиий сувга кимёвий ишлов берилмаган, тозаланмаган.

— Шунда беихтиёр, ривожланган мамлакатлар аҳолиси хлор билан дезинфекцияланган водопровод суви сифатидан бежиз нолимаслигини эсладим, — дейди Масару. — Ишлов берилган сув таъсисиз, соғлиққа фойдаси йўқ, хисоби экан. Шу боис ушбу мамлакатларда, гар-

чи қиммат бўлса-да, минерал сув ичишни афзал кўрадилар. Мендан табиий, деганда қандай сувни назарда тутишимни сўрашади. Буни, инсон таъсир кўрсатмаган сув десак, ер юзиде бундай сувнинг ўзи йўқ. Зеро, инсоният ҳавони ифлослантириб бўлди. Ернинг юза қисмидаги намлик буғланиб, атмосферада булутга айланган, ёмғир бўлиб яна заминга ёғади. Ёмғир суви ҳам биз ифлослантириб улгурган тупроққа сингийди. Худди шу боис инсон таъсир кўрсатмаган сувнинг ўзи йўқ, деб ҳисоблайман. Демак, табиий сув тушунчаси ҳам шартли қўлланмоқда.

ЕВРОПАНИНГ СУВИ ҚАЙ АХВОЛДА?

— Ҳар сафар Лондон, Париж, Рим сингари йирик шаҳарларга борганимда, водопровод сувидан олиб келардим, аммо Европа суви муз кристаллари пайдо қилмади, — дейди тадқиқотчи. — Сув устидаги Венеция шаҳри бундан мустасно (бу шаҳар суви ҳам, нисбатан сифатли бўлса-да, кристаллга айланмади). Буэнос-Айрес (Аргентина), Манаус (Бразилия), Ванкувер (Канада) шаҳарларидаги водопровод сувининг тозаллигига тан бердик. Зеро, бу шаҳарлар табиий сув манбалари яқинида жойлашган бўлиб, тадқиқ этилган сув музлатилганда чиройли кристаллар ҳосил қилди.

Худудининг 80 фоизи тоғли жойлардан иборат Япониянинг барча булоқ сувлари намуналари юзасидан ўтказган тадқиқотлар натижаси қувонарли бўлди. Табиий сув манбалари кўплиги жиҳатдан ривожланган мамлакатлар ичиде олдинги ўринда туриши боиси шундан. Табиий филтрланиш-тозаланиш тизимидан ўтган сув гоё хуш таъм бўлиб, соғлиқ учун фойдаси кўп. Айна пайтда японияликлар ўртасида табиий сувга нисбатан кўз кўриб қулоқ эшитмаган ташналик, обихаётга интилиш гоё кучайган. Табиий сув қиймати жиҳатдан нефтга яқинлашиб борапти. Гарчи нефтни қазиб олиш, ташиш, тозалаш катта сарф-харажатларни талаб этса-да, бу бор ҳақиқатдир. Айрим минерал сувлар ҳатто нефтдан ҳам қимматроқ туради.

— Минерал сув савдоси билан шуғулланувчи кўп

компаниялар келажакда оғир ахволда қолади, — дея тахмин қилади доктор Масару. — Чунки Фарб аҳолиси ҳозирданоқ уларнинг маҳсулотларини олишдан чўчишяпти. Канадага маъруза ўқиш учун сафар қилганимда антика сув сотиб олдим. Бу жуда машҳур фирма томонидан сотувга қўйилган реминераллаштирилган сув эди. «Реминераллаштирилган» ибораси сувни инсон учун зарур моддалар билан тўйинтиришни англатади. Сув тупроқда филтрланар экан, унга кўплаб минераллар аралашади. Шу вақтга қадар биз бундай сувни фойдали деб ичардик.

ИНСОН ОНГИ СУВНИ ЎЗГАРТИРАДИ


«Сувни тадқиқ этиш жараёнида кристаллар вужудга келиши обихаётнинг табиий ёки қувурдан эканлига боғлиқ эмас, деган қатъий хулосага келдим. Сув музлатилганда ҳосил бўлувчи кристаллар сувга синган ахборотга ҳам боғлиқ. Гоёларим ҳақлигини аниқлаш учун икки шиша идишга сув қўйдим. Шишалардан бирига «Раҳмат», иккинчисига «Сен аҳмоқсан» деб ёзилган қоғозларни ёпиштирдим. Сув ёзувларни «ўқийди», деган умидда уларни музлаткичга қўйдим. Натижа гипотеза тўғрилигини исботлади. «Раҳмат» деб ёзилган қоғоз ёпиштирилган сув чиройли кристаллар ҳосил қилиб, «Сен аҳмоқсан» ёзувини «уққан» сув аҳмоқона башарани акс эттирган эди. Демак, сув ўзига ахборотни қандай қабул қилса, у музлаганда ҳосил бўлувчи кристаллар ахборот моҳиятига кўра шундай шакланар экан. Бошқача айтганда, инсон онгли равишда сув сифатига таъсир кўрсата олади. Сувга «бахт» сўзи айтилганда қирралари текис чиройли бриллиантга ўхшаш кристалл пайдо бўлди. «Бахтсизлик» сўзи қанча «уринмасин» шакллана олмади, сўзнинг мудҳиш мазмуни сув қувватини «сўриб» қўйди. Шу тариқа бир чашмадан олинган сувга қарама-қарши мазмунли «яхши-ёмон», «тинчлик-уруш» сингари сўзлар билан таъсир кўрсатилди. Музлаган сув эса фақат эзгу сўзларгагина кристалга айланиб, жавоб қайтарди. Қизиги шундаки, сув ижобий сўзлар инглиз, хитой, француз, немис, италян, корейс тиллари-

ёмон таъсир кўрсатмасмикин? Аёл тухум ҳужайралари уруғлангандан сўнг 96 фоизи, энди туғилган чақалоқнинг 80 фоизи сувдан иборат экан, бу ҳақда жиддий бош қотириш лозим эмасми? Қисқаси, ҳаётимиз сувдан бошланиб, сув билан хотима топади. Демак, вужуди асосан сувдан иборат инсонга рисоладагиде яхши ҳаёт кечириши учун эзгу ахборот зарур экан. Бундай ахборот танани бардам, ақлни ўткир қилади. Аксинча, ёмон ахборот инсонни касаллантиради. Моҳиятан, инсон сувдан.

Ўтган юз йилликда инсоният нефт учун урушлар гирдобига тушган эди. Олимлар XXI аср сув учун кураш юз йиллиги бўлишини башорат қилмоқда. Зеро, 1900 йилда сайёрамиз аҳолиси бир ярим миллиард нафар бўлса, 2000 йилга келиб бу рақам олти миллиардга ўсди. Табиийки, кўпайиб бораётган аҳоли эҳтиёжини қондириш учун улкан миқдорда энергия талаб этилади. Худди шунинг учун ҳам доимий равишда кўмир ва нефт ёқилмоқда. Бунинг оқибатида, яъни ёнишдан ҳосил бўлган захарли моддалар атмосферага булғанапти. Ифлосланган ёгинлар эса, ўз навбатида, ер тубига сингяпти. Сув сайёра бўйлаб тўлиқ айланиб чиқиши учун 30-50 йил муддат зарур. Демак, бундан 30-50 йил муқаддам ер юзасидан буғланган намлик — булут ҳозирда ичаётганимиз замин сувига айланган. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг саноат мисли кўрилмаган даражада ривожланиб, ҳаво сифатига жиддий зарар етди. Орадан 60 йил ўтди. Эндиликда тоза сув танқис бўлиб қолиши, тоза сув манбалари учун ихтилофлар келиб чиқиши эҳтимолдан ҳолимас. Аммо сувга бўлган эҳтиёж жаҳон миқёсидаги уруш оловини ёқмайди, дея умид қиламиз. Зеро, келажак эзгу қирами, яхши нияту аъмоллардан бошланади. Бизнинг зиммамизда эшитган, кўрган ва ўқиганимизни ўқиб, хулоса чиқариши, обихаёт аталмиш бебаҳо неъматнинг ҳар қатрасини қадрлашдай улкан ҳамда шарафли масъулият турганини унутмасак қиёя.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ

Муво заннат



Фақат тирикчилик учун яшамаслар ҳеч...

Сулаймон РАҲМОН

«Илон оласизми, амаки?»

— Бозордан у-бу нарса харид қилиб, энди қайтмоқчи бўлиб тургандим, — дейди суҳбатдошим Аҳмад фермер. — Ёнимга ёшгина ўспирин келиб, «илон оласизми, амаки?», деб сўради. Тўғриси, сесканиб кетдим. Йигитча аҳволимни кўриб кулди ва «кўркманг, мана у», деб шиша идишдаги илонни кўрсатди.

— Қанча туради бу жонивор? — дедим ўзимни қўлга олиб.
— Сизга икки юз минг, яна савдолашасиз-да...
— Шунча пулга бозорда этлигина кўзи олса бўлади, ошна.
— Кеча Россияга кетаётган бир аёл беш юз мингга иккитасини олиб кетди, — деди «ошна»м бўш келмай.
— Бўлса бордир, аммо менга илон керакмас.
— Ихтиёрингиз.

Шу пайт ўспириннинг ёнига қора кўзойнак таққан одам келиб сўз қотди:

— Хўш, сотиб бўлдингми?
— Биттаси қолди, ака...
— Тезлаштир, яна «товар» келади, — деди-да, машинаси томон кетди. Мен эса бозордан чиқар эканман, жамийки жониворларга қирон келмаса гўрга эди, деб ўйладим...

Халоскор

Норхол хола етмиш ёшда. Пиру бадавлат аёл. Лекин ўзининг таъбири билан айтганда, «ичи дардга тўлиб кетган». Дардини кимларгадир ёргиси келади. Мавриди келиб, хола билан суҳбатлашдим.

— Отам мулла Туфли табиатан мулойим, чумолига ҳам озор бермайдиган, сахий киши эдилар, — дейди у. — Шўро замонасининг қама-қамалари авжга чиққан йилларида ёмонларнинг чакуви билан отамизни ҳам «халқ душмани» деб қамашган.

Ҳибсхонада отамни назоратчилардан бири, айниқса, кўп азобларкан. Навбатдаги тергов пайтида ғойибдан оқ илон келиб, баттол назоратчини чакиб олибди. Унинг дод-фарёдини эшитган ҳамкасблари бу ҳолдан ёқа ушлашибди. Илон туфайлими ёки бошқа сабабми, ишқилиб отам соғ-саломат уйга қайтди.

Оқ илон ҳам яна уйимизда пайдо бўлди. Отам кечалари Куръони каримни тиловат этганларида, илон ҳам чироқ ёнида сеҳрли суралар оҳангига мос тебранар экан. Отам вафотидан сўнг негадир илон ҳам кўринмай қолди.

Яқинда келинларимдан бири уйимиз шифтида оқ илонни кўрибди. Ўзимизнинг оқ илонни...

Содиқ муаллимнинг мазаси қочиб, дўхтирлар уйига қайтарибди, деган нохуш хабарни эшитган Норой момонинг тинчи йўқолди. Охири бўлмади. Уйи бурчагидаги сандикдан кичкина тугунни олди. Ундаги майдаланган кукунни бир пиёла сув билан куюқлашгунча қайнатиб, банка идишга солди. Кейин дастурхонига иккита нон ўраб, беморни сўрагани жўнади.

Норой момонинг дориси

Каравотда ётган муаллим момони зўрға таниди. Қорини кўрсатиб, оғриқдан шикоят қилди. Момо олиб келган дорисидан бир қошиқни амаллаб муаллимга ичирди. Дорини ичган беморнинг афти буришиб, қайт қилмоқчи бўлди, аммо қусолмади.

Норой момо уй бекасига қараб:

— Ана энди, худо хоҳласа, эринг отдай бўлиб кетади, — деди.

— Айтганингиз келсин, момо. Неча кундан бери ичган нарсаларини қайтариб ётган эдилар.

— Кўркма, энди қусмайди. Мен икки кун шу ерда бўлман, ҳали яна дори ичираман.

Эртаси куни Норой момонинг кўнгли таскин топди. Чунки муаллимнинг юзига қизиллик югурган, тинчгина ором оларди.

Орадан бир ой ўтиб соғайиб кетган Содиқ муаллим Норой момоникига совға-салом билан келиб, миннатдорчилик билдирди. Қайтар чоғида эса ийманиб сўради.

— Эна, менга ичирган дорингизни нимадан тайёрлаган эдингиз?

Норой момо кулди:

— Кўлвор илоннинг пўстидан, айланай. Буни раҳматли чолим биларди, мен фақат дорини асраб қўйгандим...

Бешикдаги «кулча»

Жума бобо гурунларда ўзининг болалиги ҳақида кўп гапирди. — Ушанда ўн уч яшар эдим. Бир куни сабзи сотгани Қорабоғнинг бозорига бордим. Сабзини сотиб бўлиб, онам тайинлаган нарсаларни харид қилиш учун бозор айландим. Бир пайт одамлар давра қуриб турган жойга чиқиб қолибман. Майдонда кўриниши хиндуга ўхшаш, саллали, соқол-мўйлов кўйган одам ўтириб олиб сурнай чалар, ёнида эса баҳайбат кўзойнакли илон куйга монанд оҳиста рақсга тушарди. Томоша анча давом этди. Оломон морбознинг белбоғига пул ташлади. Мен ҳам қатордан қолмадим. Уйга қайтар эканман, ўзимнинг ҳам илон ўйнатувчи бўлгим келди. Кела солиб қамишдан қўлбола хуштак ясадим, лекин хиндуникидай нағмали чалолмадим. Ҳар қалай овоз чиқади деган бўлди. Энди илон тутишим қолганди.

Бир куни кўшнимизнинг аёли чинқириб чопиб келди. Эмишки, чақалоғи ётган бешикда илон бормиш. Югуриб борсам, гўдак бешикда, ширингина уйқуда, кўксида эса каттакон илон кулча бўлиб ётарди. Дарров илоннинг боши ва думидан тутиб ташқарига олиб чиқдим-да, чакки халтага солдим. Ўзимни морбозликда синаб кўриш учун зўр имконият туғилганди.

Чўнтагимдан хуштакни олиб чалдим ва қўлим билан халта оғзини аста очдим. Илон хуштак товушига парво ҳам қилмай ўтлар орасига қочиб кетди. Мендан морбоз чиқмади. Аммо, қаерда илон кўрсам, албатта тутиб олиб кейин кўйиб юборардим. Чунки мулла Иброҳим бобонинг «Сизга озор бермаганга, сиз ҳам тегманг, илон ҳам Яратганнинг бир мўъжизаси» дегани ёдимга тушади-да.

Домланинг айтгани

— Илонлар фойдали жонзот, — дейди зоология фани ўқитувчиси Нормўмин Шодиев.
— Юртимизда илонларнинг ўнлаб турлари бор.
Илонларнинг аксарияти туҳум қўйиш орқали кўпаяди.
Аммо тирик туғадиган илонлар ҳам бор. Қалқонтумшук,

қора чарх, кўлвор, капча илонлар ўта захарли. Қадимдан уларнинг зардобидан тиббиётда фойдаланиб келинган. Илонларни йўқ қилиш, сотиш оғир оқибатларга олиб келади.
Бундан, айниқса, деҳқонлар, боғбонлар, ғаллакорлар кўп азият чекиши мумкин. Чунки

илонлар кемирувчилар билан озиқланади. Хуллас, она табиатда барча мавжудотнинг ўз ўрни, аҳамияти бор. Оламнинг эса тошу тарозуси, қонунияти мавжуд. Бу мувозанатдир!

Ўролбой ҚОБИЛ,
Қамаши тумани

Арава тортган каламушлар



Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийси Абдулла бобо Курбонов Деҳқонobodнинг Тоғайтемир қишлоғида ўтган даврлар ҳақидаги қизиқарли ҳикоялари билан машҳур бўлиб, умрида бирор сатр ҳам бадий асар ёзмаган бўлса-да оғзаки баённи қийиб юборади; баъзан бахшиларга хос бўрттириш, воқеани қизиқарлироқ қилиш учун ўзидан-да қўшиб юбориш одати бор эди. Бироқ, унинг барча ҳикоялари асосида ўзи кўрган, эшитган тарихий воқеалар, ўтган асрнинг биринчи ярмидаги халқимиз ҳаётига оид турфа ходисалар ётади. Куйида унинг ҳикояларидан бирини келтираман.

30-йилларнинг охири

эди. Далада ҳосил мўл битди. Афсуски, деҳқонлар қувончи узокқа чўзилмади. Кутилмаганда беҳисоб каламушлар ғаласи ғаллазорга аёвсиз ҳужум бошлади. Ҳашпаш дегунча бугдойнинг бошоғини ўткир тишлари билан узиб олиб, ернинг остига ташиб кетди.

Каламушларнинг ақл бовар қилмас тадбиркорлиги одамларни ҳайрон қолдирди. Бири бамисоли чиганага ўхшаб ерга чалқанча ётиб олиб (чигана ёғочдан ясалган бўлиб, уни 2 бош ҳўкиз тортиб юрган, ўроқ билан ўрилиб боғланган ғалла боғларини янчиш учун хирмон жойга ташишда қўлланилган), бошқалари эса унинг устига ғалла бошоқларини ортиб, олдинги оёқларидан иккитаси судраб, яна бир нечтаси бошоқларни ушлаб ташишга тушдилар.

Ҳашпаш дегунча далаларда поя

қолди, холос. Одамлар кемирувчи кушандага қарши курашишга ожизлик қилдилар, бармоқ тишлаб қолавердилар.

Муғомбир каламушлар ўзларининг маконларини ҳар қанча яширишга уринмасин, қишлоқ кишилари гўмдон қилинган ғалла бошоқларини излашга тушиб кетдилар. Улар каламушлар қовлаган инларни топиб, қазиб кўришганда ҳар битта инда 10-15 килограмм миқдорида ғалла борлиги маълум бўлди. Қарангки, каламушлар ғалла донини сомондан тозалаб ҳам қўйишган эди. Хуллас, аксарият ўғри каламушларнинг «нияти» пучга чиқди.

Енг шимариб ишлаган тоғайтемирликларнинг ҳар бир оиласи ўша йили саратонда каламуш инларидан бир неча қоп ҳосил жамғаришга эришган экан.

Парда ҲАКИМОВ

Деҳқонobod тумани

Архив



...У Тошкент тиббиёт институтида ўтган талабалик йилларида Абдулла Қаҳҳор ва Кибриё Қаҳҳорова томонидан ўзбек тилига таржима қилинган жаҳон адиблари мумтоз асарларининг биринчи ўқувчиси бўлди. Таржима билан шуғулланиш қанчалик сермашаққат иш эканлигини Хабибулла ака ўшанда тушунди. Улар ҳар бир асар таржимасини қозғога қоралама қилар, кейин яна унинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, керакли жумлалар билан сайқаллаб, оққа кўчиришар, Кибриё опа уларни машинкада қайта ёзиб чиқарди. Шундан сўнггина пишиқ-пухта, мукамал таржималар чоп қилиниб, ўқувчилар қўлига бориб тегарди.

— Абдулла ака бозор қилишни яхши кўрарди, — эслайди Хабибулла ака. — Кечаю кундуз ақлий меҳнат, таржима билан шуғулланиб, эзилиб кетган пайтларида Кибриё опамга: «Кетдик, бозор қилиб келамиз», дерди. Опамнинг: «Уйда ҳамма егулик бор-ку!» дейишига қарамасдан, қистаб туриб оларди. Бозорга боргандан кейин у киши опамга: «Сиз шу атрофни айланиб томоша қилиб турунг, биз Хабибуллахоном билан бозор қилиб келамиз», дея, мени эргаштириб кетарди. Бозорнинг у ёғидан кириб, бу ёғидан чиқардик, таниганлар: «Э, Абдулла ака келяпти», дея у киши билан сўрашиб-саломлашиб кетишар, мева-сабзавотлар харид қилаётганида бозорчилар: «Сиз «Шоҳи сўзана»ни ёзган ёзувчи Абдулла Қаҳҳор эмасмисиз?» дея сўраганида, «У кишига ўхшайман, холос», дея кутуларди. Барибир мухлислар Абдулла акани доим таниб олишарди.

Абдулла ака қаердаки учрашув бўлмасин, мени ўзлари билан бирга олиб борарди. Машина бошқаришни ҳеч кимга ишонмасди. Учрашувларда ўзи камроқ гапириб, шогирдларига ижодларидан кўпроқ намуналар ўқиб бериш учун имкон яратиб берарди.

Абдулла Қаҳҳорнинг ана шундай даъватлари ёшларни руҳлантларди. Шунинг учун унинг хонадони, улуг адиб раҳбарлик қилган Ёзувчилар уюшмаси ҳамisha ижодкорлар ва шогирдлар билан гавжум бўларди. Фафур Фулом,

Хабибулла отанинг асл касби шифокор бўлса ҳам, унга ҳаёт йўлида улуг ижодкорлар билан ҳамнафас бўлиш насиб қилди. Бунга биринчи навбатда опаси — зуллисонин таржимон, олима ва ҳассос ижодкор Кибриё Қаҳҳорова ва унинг умр йўлдоши, улуг ёзувчи Абдулла Қаҳҳорга яқин кадрдонлиги сабаб бўлган. Чунки ана шундай машҳур инсонлар туфайли Хабибулла ака Фафур Фулом, Хабибий, Миртемир, Файратий, Пиримкул Қодиров, Одил Ёқубов, Саид Аҳмад, Озод Шарафиддинов сингари устоз ижодкорлар билан дўстлашди.

Х.Лутфуллаев 1955 йилда Москвада уч йил ҳарбий хизматни ўтаб бўлган, тўппатўғри Тошкентга, опасининг уйига келади. Бу пайтда Абдулла Қаҳҳор Кибриё опа билан Ёзувчилар уюшмасининг Дўрмондаги ижод боғидан амал-тақал қилиб уй қуриб олишган, ҳовлидаги боғни опанинг ўзи парвариш қилар, улуг адиб эса фақат ижод билан банд эди. Хабибулла опасига боғ ишларида бир-икки ҳафта кўмак бергач, Самарқандга қайтадиган бўлди. Опаси унга битта шарт билан жавоб беради: — Самарқандга бориб, Тошкентга қайтиб келасан. Келганда ҳам ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома, тиббий кўрикдан ўтганлик қозғоши ва бошқа ҳужжатлар қўлингга бўлсин!

ддан Тошкентга олиб бориб, тайёргарликни бошлаб юборарди. Хуллас, туғилган кунгача беҳисоб келиб-кетувчилар, ижодкорнинг дўстлари ва шогирдлари томонидан ош тановул қилинарди. Абдулла Қаҳҳор туғилган кун эса боғда байрам бўлиб кетарди, шоир-ёзувчиларнинг, шогирдларнинг сон-саногини бўлмасди. Шеърят кечаси, мушоиралар уюштирилди, янги чоп этилган китобларнинг тақдирот маросими ўтказиларди. Ошпазлар, пазандалар шунга

лаган, дастурхонда барча нознеъматлар муҳайё қилинган, улуг адибни табриклашга келётган одамлар, ижодкорлар оқими узилмайди.

Ўйлашимча, келган одамларнинг кўпчилигини Абдулла ака ҳатто танимайди ҳам, лекин ҳаммани тавозе билан кутиб олиб, бир пиёла чойга таклиф қиламиз, меҳмоннавозлик кўрсатамиз. Шундан кейин уларнинг Андижон, Қўқон ёки Гулистон ва шунга ўхшаш бошқа вилоят шаҳардан улуг адибни муборак та-

да ишлади. 1980 йилдан 1992 йилгача Самарқанд туманида беш стоматолог бўлиб ишлаб, нафақага чиқди. 1984 йилдан 2000 йилгача Хонсаидон маҳалласида оқсоқоллик қилди, ҳозир ҳам маҳалла фаоли сифатида жамоат ишларида иштирок этади.

Умр йўлдоши, Самарқанд Давлат университетининг биология факултетида ўқитувчилик қилган Клара Жаборова билан уч нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказди.

Улуғларнинг ҳабиби

Миртемир, Мақсуд Шайхзода, Собир Абдулла, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Саид Аҳмад, Пиримкул Қодиров, Одил Ёқубов сингари кўнглига яқин ижодкорлар ҳамisha бу хонадоннинг азиз меҳмонлари эди. Шоир Чархий мабодо Қўқондан Тошкентга, ёзувчилар ижодхонасига келиб қолса, кўпинча вақтини Абдулла аканинг боғида ўтказарди. Айниқса, истироҳат кунлари Абдулла Қаҳҳорнинг Дўрмондаги боғидан одам қадами узилмасди. Академиклардан Убай Орипов, Муҳаммаджон Ўрозбоев, Жўраҳон Саидов, Мирзавали Муҳаммаджонов, шифокорлардан профессор Мамажон Қулматов, Юсуфбек Отабеков ва бошқалар келиб туришарди.

Абдулла ака биров билан спиртли ичимлик ичмас, ичкиликбозликни ёмон кўрарди. Лекин кўнгилга яқин инсон келиб қолса, улар билан оздан коньяк ичиб турарди. Камтарин ижодкор ҳар бир нарсага принципалик нуқтаи назардан ёндашарди, туну кун ёзув-чизув билан машғул эди. Ҳатто шундай пайтлар бўлардики, эрталаб пиёлага қуйилган қайноқ чой кечкурунга қадар ичилмасдан қолиб кетарди. Ижоднинг бетакрор лаҳзаларида Абдулла ака ҳатто нонушта қилишга ҳам вақтини қизганарди. Ана шундай пайтларда опам буйруқ оҳангида Абдулла акани ёзув-чизувни йиғиштиришга мажбур қилар, у бундан норози бўлса ҳам мажбуран овқатлантирарди. Улар ўртасидаги меҳр-оқибат, фикрлар яқдиллиги, бир-бирини аяш шунчалик кучли эдики, бу муносабатларнинг ўзини бир китоб қилишга аризулик.

Хабибулла ака ҳар йили 17 сентябрда — Абдулла Қаҳҳорнинг туғилган кунинда Ёзувчилар уюшмасининг Дўрмондаги боғида барча ижодкорларга самарқандча ош қилиб берарди. Бунга у ёзувчи таваллуд куниндан уч-тўрт кун олдин ўзи билан битта ошпаз, қазичарта, шакароб тайёрлайдиган пазандаларни Самарқан-

яраша тайёргарлик кўришарди. Бундай дамларда ўзининг туғилган кунини тантананага айланиб кетишини хуш кўрмайдиган Абдулла ака доим норози бўлиб, Хабибулла акага дашном берарди. Хабибулла ака унинг таънаю дашномларини қўлини кўксига қўйиб «Хўп бўлади!», дея қабул қилар, кейинги йилда ҳам улуг ёзувчининг туғилган кунини яна шундай тантаналарга айланиб кетарди.

Ана шундай таваллуд айёмларнинг бирида ҳамisha ҳамма гапга ҳозиржавоб Саид Аҳмад ака Абдулла аканинг танбеҳига жавобан ҳазил қилиб:

— Кўйинг энди, Абдулла ака, ҳадеб Хабибуллахономни қойий-верасизми, у шоирларнинг ошпази бўлгандан кўра, ошпазларнинг шоири бўлгани яхши эмасми? — дейди. — Эртага бу ҳам ош қилишни ташлаб, қўлига қалам олиб, шеър ёза бошласа нима қиласиз?

Унинг беғараз ҳазилига ҳамма кулади.

— Ўзи Хабибуллахоном тўрт йил бизнинг тарбиямизни олганидан кейин ёзувчи бўлиб кетиши керак эди, негадир тарбиямиз чаппа таъсир қилиб, тиш қўйғич бўлиб кетдилар, — дея аския қилади Абдулла ака ўз навбатида.

— Агар бу киши ёзувчи бўлганида Хабибулла Қаҳҳор бўлиб чиқарканларда-а?! — Саид Аҳмад ака яна кулгига кулги улайди.

— Қўйинг, ака, ҳамма ўз ишини қилгани маъқул, — дейди пайровни давом эттириб Хабибулла ака. — Яхшиси, мен сизга бепул тиш қўйиб бериб, жағингизни бутун қилай, шунда ҳар сафар ош еганингизда, мени эсласангиз, ёзувчилигим шу бўлади!

— 1967 йилнинг сентябр ойида Абдулла Қаҳҳорнинг олтинчи йиллик юбилеи Алишер Навоий номидаги опера ва балет академик катта театрида зўр тантана билан нишонланди, — дея эслайди Хабибулла ака. — Юбилей Дўрмондаги боғ-ҳовлида давом этди. Мен Самарқанддан олиб борган ошпаз ва пазандалар ош дам-

Архив



валлуд айёми билан табриклаш учун келган оддий мухлис, колхозчи, муаллим, ишчи эканлиги маълум бўлади. Улуг адиб ўзининг ўлмас асарлари билан ана шу даражада оддий халқнинг кўнглига кира олган, йўл топа олган инсон эди. Бутун Ўзбекистон халқи унинг қўлини сиқиб, туғилган кунини, юбилеини билан табриклагиси, унга сихат-саломатлик, узок умр тилагиси келарди, назаримда.

Хабибулла ака ҳозир ҳам ҳар йили Абдулла Қаҳҳорнинг туғилган кунинда уйда ош қилиб, ёру дўстлари билан ус-тозни, Кибриё опани, у билан ҳамсуҳбат бўлган чоғларини эслайди, руҳи покларига Қуръон тиловат қилади.

У Самарқандда ҳам илм аҳлининг кадрдони, зиёлиларнинг яқин дўсти, ёшу кекса уни бирдай ҳурмат қилади. Бу оламни тарк этган (уларни худо раҳмат қилсин!) Акрам Худойқулов, Нуриддин Шуқуров, Сайдулла Мирзаев, Шакар Файзиёв, Абдулла Насимов, Лутфулла Мамасолиев сингари таниқли инсонлар унинг Хонсаидон маҳалласидаги хонадонини тез-тез меҳмон бўлиб турарди. Ҳозир ҳам Хабибулла ака Пўлат Зикриёев, Файзулла Жабборов, Ўқтам Қаршиев сингари кадрдонлари билан тез-тез кўришиб, дилдан суҳбат қуриб туришарди.

Хабибулла ака меҳнат фаолияти давомида 1980 йилгача аввал шаҳар, кейин вилоят стоматология поликлиникаси-

Ҳозир катта фарзанди Шерзод «Сино» совутичлар ишлаб чиқариш корхонасида хўжалик ишлари бўйича раҳбар ўринбосари, қизлари Баҳора педиатр, Нигина эса СамДУда биологиядан талабаларга сабоқ бермоқда. Хабибулла ака ўн нафардан ортиқ неварачевараларнинг сеvimли бобохононисидир.

Инсон ҳаёти оқар сувдай тез ўтади, деб беҳиз айтилмаган. Улуг ижодкорлар билан ҳамнафас бўлган, умрини эзгу ишларга бағишлаган Хабибулла Лутфуллаев бугун 80 ёшни қаршилаб турибди. Бу ҳам худонинг бир инояти. Акалари Ҳикматулла ота ҳам 83 ёшида укасининг таваллуд айёмига камарбаста бўлиб турибди. Шунинг ўзи бахт эмасми? Қолаверса, Хабибулла ака ўша эски аънани давом эттириб, ўз таваллуд айёмини улуг адиб Абдулла Қаҳҳор туғилган кун — 17 сентябрда нишонлашни ниёт қилган. Ўша кунини Абдулла ака ва Кибриё опанинг барча шогирдлари, ошна-оғайниларини, барча ижодкорларни Самарқандга таклиф қилади. Ўзи бош бўлиб, ош дамлатади, Абдулла Қаҳҳордай, Кибриё Қаҳҳоровадай улуг зотларни етиштириб берган ижодкор халқига таъзим қилади.

Облокул УСМОНКУЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист,
Нурулло ОСТОНОВ,
журналист

Илмий кузатишлардан маълумки, бош миёна ички органлар билан сон-санок-сиз асаб толалари орқали боғланган. Улар инсон ҳаётида муҳим рол ўйнаб, энг мураккаб «иш»ларни бажаради.

Одатда бош миёна ўз фаолиятини қўзғалиш ва тормозланиш ҳолатлари орқали бажаради. Бола мактабда, уйда ёки кўчада бирор нарсадан безовта бўлса, миёна мувозанат бузилади. Бундай ҳолатда боланинг тез жаҳли чиқиб, уйқуси бузилади. Тажрибали, бола руҳиятини яхши илғаб оладиган ўқитувчи бундай «асабий» болани дарров пайқайди, унга алоҳида эътибор беради. Тажрибасиз муаллим эса барча болаларга бир хил муносабатда бўлади. Тез асабийлашадиган бола бундай ҳолатдан азият чекади. Ўқитувчининг эътиборсизлигидан сиқилади, ҳатто хотираси пасайиш кузатилиб, тез чарчайдиган, арзимас нарсадан хафа бўладиган одат чиқаради.



«Набирам нега асабий?..»

Боланинг сал нарсага чўчиб тушиши, тўсатдан йиғлаши, қоронғу хонага киришдан қўрқиши, ёмон тушлар кўриб уйғониши — буларнинг барчаси асабийлашиш аломатларидир.

Бундай асабийликнинг тезда олди олинмаса, тажаниглик сабаби бартараф қилинмаса невроз хасталиги хуруж қилади. Бу касалликка чалинган болани тезда ажратиб олиш мумкин: унинг жаҳли бурнининг учига туради, озгина муаммо бўлса йиғлашади, бақир-ришга тушади. Кўпинча бундай бола ўз ўртоқларидан калтак ейди ё бўлмаса, ўртоқлари йиғлоқи болани ажратиб қўйишади. Бундай муносабат эса болани баттар асабийлаштириб, саломатлигига салбий таъсир кўрсатади, дўстларидан кўнгли қолади.

Хотиранинг ҳажми атрофдаги нарсаларни англаш ва уларни эслаб қолиш ҳисобига эмас, балки мантқан боғланган ҳолатларни эслаб қолиш ҳисобига ошиб боради. Асабийлик, узоқ давом этган руҳий кечинмалар, ҳаддан ташқари қийин шароитда яшаш, дам олмаслик ва вақтида ух-ламаслик каби ҳолатлар натижасида марказий асаб тизими фаолиятининг бузилиши келиб чиқади. Қолаверса, баъзи сунуқли касалликлар, инфекциялар, ҳар хил захарлан-ишлар, ички секретция безлари фаолиятининг бузилиши асабийликни авж олдирувчи омиллардан ҳисобланади.

Касалликнинг келиб чиқишида руҳий ҳолат, жумладан, ғазаб, тушкунлик, ваҳима, кўркунинг таъсири жуда каттадир, деган эди Абу Али ибн Сино. Болаларда учрайдиган асабийлик кўпинча боғча, мактаб, лицейларда кузатилади. Бундай руҳий ҳолатдан организмда модда алмашуви бузилади, асаб таранглашади, бу эса кўп энергия сарфланишига олиб келади. Жумладан, асабийлашиш даврида бош миёна жуда кўп глюкозани истеъмол қилади ва кислородга муҳтожлиги ошади. Жанжал пайтида миёна кислород кам бориши бош оғриғини келтириб чиқаради, бу эса нейрорциркулятор дистония пайдо бўлишига олиб келади.

Ёқутхон МАЖИДОВА — невропатолог, тиббиёт фанлари доктори, профессор:

— Болалар ўртасидаги келишмовчилик, жанжалларни кузатиш: бундай пайтда асабий бола тез-тез нафас олади, юрак уриши кучаяди, йиғлаши кузатилади. Бундай аса-

бийлашиш кунига бир неча марта содир бўлса, кечкурун-га бориб, бола жуда чарчайди. Яъни, унинг асаби кўп энергия сарфлагандан толиқади. Натижада унда бош айланиши, бош оғриғи пайдо бўлади, бора-бора қон босими ҳам кўтарилиб кетади.

Шу ўринда ҳаётининг бир мисол: 14 ёшли бола биринчи марта оромгоҳда дам олишга борди. Лекин гуруҳ болалари билан келиши олмади, улар билан жанжаллашди, уришиб хафа бўлди. Телефонда онасига «зудлик» билан олиб кетишини илтимос қилди. Эртасига ота-онаси уни уйига олиб келди. Ҳўш, ота-онанинг қилган иши тўғрими? Нега улар боладаги бундай ҳолатни бартараф этишга ҳаракат қилишмади? Фақат бу муаммони йўқ қилиш учун бола курашди, минг афсуски, унинг иродаси бўшлиқ қилди. Бола ҳам, унинг ота-онаси ҳам иродани чиниқтиришни эмас, балки энг оддий йўлни танлашди.

Иккинчи мисол: худди шундай воқеа ўз набирам томонидан содир этилди. Аммо отаси оромгоҳга бориб воқеанинг асл сабабини суриштириб билгандан сўнг, фарзандини ёнига ўтқазиб насиҳат қилди. Натижада бола ўз айбини тушунди, унда кўпчилик орасида ўзини тутиш, дўст орттиришга интилиш пайдо бўлди, яна оромгоҳда қолди.

Болаларнинг бош миёна ривожланиш даврида шу қадар бепоён, тенгсиз ва мураккаб аъзога айланадики, уни ҳозиргача олимлар тўла-тўқис ўрганмаган. Маълумки, вояга етган одам миёна таркибида 14 миллиард асаб ҳужайраси мавжуд, улар эса асаб толалари билан катта кучга эгадир. Физиологларнинг аниқлашича, бош миёнадаги тормозланиш ва қўзғалиш ҳолатлари ўртача мувозанатда яшайди. Ўқишда ёки уйда қандайдир кучли нотинчлик бўлса, шунинг ўзи бош миёна мувозанатининг зўриқишига сабаб бўлади. Натижада болада юрак, ўпка, меъда, ичакларда оғриқлар кузатилади. Бундай асабийлашиш тез-тез такрорланадиган бўлса, боланинг юраги доимий ғаш бўлиб қолади.

«Стресс»нинг сабаби оддий: қўшнинг уришқок боласи унга кун бермай қўйган.

Буни асабийлашган боланинг ота-онаси билмаслиги ҳам мумкин. Негаки, улар уй-рўзгор ташвиши билан бўлиб кўчага чиқишмайди, фарзандлари ким билан ўйнаётганини кузатишмайди. Лекин, бу ҳолат болани бездириб қўяди, кўчага чиқишдан бош тортади.

С. Каттаев — Сурхондарё вилояти «Серка» хусусий клиника раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди, доцент:

— Боланинг «асабий» бўлиши кўп сабабларга боғлиқ. Бунга оддий гижжа — аскариндоз касаллиги ҳам сабаб бўлиши мумкин. Қолаверса, ўспирин болаларнинг телевизор олдида кунлаб ўтириши, ҳар хил «видео», уятли дискларни кўриши ҳам асабийликка олиб келади. Эрталаб мактабга кеч қолмай деб, туни бўйи толиққанига қарамасдан бола чой ичмай, уйқу лаззатини сурмай дарсга кетади. Кун бўйи дарсда мудраб ўтиради. Бу асаб тизимига салбий таъсир кўрсатади.

Ибн Синонинг таъкидлашича, бахил ва бировга захрини сочувчи кишилар кўпроқ ошқозон-ичак касаллигига дучор бўлишади. Диабетологларнинг фикрича, қаттиқ ғам-алам чеккан одамларнинг қандли диабет касалига чалиниши эҳтимоли кучли. Невролог олимларнинг таъкидлашича, асабийлашиш умр эговидир.

Болалар ўртасида асабийлик ҳозирги кунда кенг тарқалгандир. Шаҳар шароитида яшаётган болаларда бу хасталик кўп учрайди.

Касаллик аломатлари энди-гина бошланаётганда кўнглисиз ҳолатларнинг олдини олиш керак. Бунинг учун оилада, боғчада ёки мактабда соғлом турмуш тарзига амал қилиш зарур. Шунингдек, меҳнат ва дам олишни тўғри уюштириш, ўз вақтида тинчиқиб ухлаш, болалик давридан бошлаб жисмоний машқларни бажаришга одатланиш лозим.

Бундан ташқари, шифокор маслаҳатига кўра зарур муолажаларни олиш керак. Асаб тизимини, унинг ишини яхшилаш учун В1, В2, В12 каби витаминларга бой озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш тавсия этилади.

Тоҳир ИБРОҲИМОВ, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Аёлларда овқатланиш меъёри

Эркак қалбини ром этиш учун, энг аввало, аёл соғлом ва кўркам бўлиши лозим. Аксинча бўлса...

АҚШ, Англия, Франция олимлари шу масалада озмунча бош котиргани йўқ. Бетўхтов текширишлар олиб борилди — балоғат ёшидан бошлаб, 60 ёшгача бўлган аёлларнинг овқат тизими, уларнинг ҳаёти, касби, эркаклар билан мулоқоти, ўз эри билан муносабати, қўйинги, барча барчаси обдон ўрганилди, таҳлил қилинди. Пировардида шундай хулосага келинди, тўғри овқатланиш хотин-қизлар саломатлиги ва гўзаллигини кафолатловчи омилдир.

Жумладан, 30 ёшли аёллар хомилдорлик, чақалоқ парвариши, болалар тарбияси, шунингдек, уларни боғчага, мактабга олиб бориш, олиб қайтиш, боз устига давлат иши, беҳисоб рўзгор юмушлари ва бошқа сабаблар боис ўз вақтида овқатланмайдилар. Бу эса аёлнинг соғлиги ҳамда ҳуснига путур етказиши мумкин. Хафахонлик, юрак хасталиги, ошқозон яраси, ревматизм каби касалликларнинг асосан шу даврда бошланиши ҳақида мисоллар мавжуд.

Қирк ёш ҳам эшик қоқиб ўтди, бу даврга келиб аёлларда кексаликнинг илк кўртаклари юз кўрсатиб, сочлар оқара бошлаши, туша бошлаган ажинлар, ҳолсизлик, чарчок хансираш, юракнинг тез уриши, оёқ оғриши, бош айланиши ва ҳоказолар кўзга ташланади. 40 ёшдан кейинги даврда аёл организмда модда алмашинуви секинлашади, ёғ йиғилиши кучаяди, мушак массаси камаяди, унинг ўрнини ёғ босади. Натижада, семириб кетиш ҳолатлари кузатилади. Аёл сержаҳл, асабий бўлиб қолади. Терисининг ранги ўзгаради, кўп терлайди, кўриниши кўполлашади. Бу ҳолат табиийки, ён-атрофдагиларга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Ҳатто суюкли, ишончли эрининг муносабатлари ўзгариб, лоқайдлашади.

Ҳўш, бундай пайтда нима қилиш керак? Сабр билан муаммолар ечимини топиш жоиз. Сервитами́н сабзавотлар, нордон мевалар, денгиз маҳсулотларини кўпроқ истеъмол қилиш зарур. Ош, димлама, кабоб, лағмон, манти, норин сингари қувватли таомлардан тийилиш лозим, уларни жойида, аҳён-аҳёнда еган маъқул. Фақат шу усул билан танадаги ёғлар камайтиради. Бундан ташқари, спорт, бадан-тарбия, жисмоний меҳнат, яёв юриш ҳар жиҳатдан фойдали. Шу ўринда бир мисол, бир бемор аёл тавсиямизга кўра, Кўкчадан Чорсуга қадар эрталаб уч ой яёв юрди. Биринчи ҳафта қийин кечди, бора-бора бу ҳолга кўникди. Пировард натижада 11 кило вазн йўқотиб, ҳушбичим бўлиб қолди. Буни қарангки, унга не-не машҳур пархезлар, қиммат чет эл препаратлари ёрдам бермаганди. Оддий ҳаракат орқали муроди ҳосил бўлди.

50 ёшдан ошган аёллар аллақачон қандайдир ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган бўлиб, уйдаги юмушларни асосан қиз-келиндарга топширган, ўзларидан тиниб, анча кам ҳаракат бўлиб қолган бўлишади. Бу ҳол табиий равишда семизликка олиб келади. Бунинг эса ўзига яраша салбий жиҳатлари бор. Жумладан, 50-60 ёшдаги аёлларда қандли диабет, юрак хасталиги, гинекологик касалликлар кўп учрайди. Бунинг олдини олиш учун овқатланиш тартибига қатъий риоя қилиш ва ортиқча вазндан қутулиш керак. Ҳаракатчан аёлда қариш аломатлари ҳам деярли сезилмайди.

Хали айтганимиздек, ёғли, юқори қувватли таомларни камайтириш, улар ўрнига гўшт, пишлоқ, творогнинг ёғсиз турларидан истеъмол қилган маъқул. Тухумни кўп тановул қилиш зарарли. Балиқ ейиш ҳафтада 2 марта етарли. Таомни ўсимлик ёғида тайёрлаган дуруст.

50 дан ошган аёлларнинг аксариятида климакс жараёни кузатилади. Бу физиологик ҳолатда аёл сержаҳл, серҳаяжон, диққинафас бўлиб қолади. Бундай пайтда яқинлари, турмуш ўртоғи эътиборли бўлса нур устига аъло нур. Менопауза даврида аёл суюқ тўқимасининг қуввати кетади, улар юмшоқ тортиб, тез синиши, шикастланиши мумкин. Суюқ тизимини яхшилаш учун аёллар овқатида кальций моддаси кўп бўлган маҳсулотлар: сўт, йогурт, пишлоқ, творог, брокколи, шолғом ва ёнғоклар бўлгани тўғри. Шу билан бирга кальций моддасининг организмга тез сингиши учун витамин Д керак. Улар асосан денгиз балиғида, қўзқоринда бўлади.

60 дан ошган аёл умрини меҳнатда ўтказган, соғлом ҳаёт кечирган бўлса, қарилик тўғрисида ўйламаса ҳам бўлади. Лекин витамин Д, кальций ва фолат кислотасининг етишмаслиги боис, уларда остеопороз ва атеросклероз касаллиги хавфи ошади. Унинг олдини олиш учун овқат рақиюнида мева, сабзавотлар, шарбатлар кўп бўлиши шарт. Етарли даражада суюқлик ичиш керак. Энг кам меъёр бир кунда 1 литр, максимал суюқлик — 8 стакандир. Бунга албатта чой, шарбатлар, чанкок босар ичимликлар ҳам қиради.



«ОФК кубоги — 2011»

«Насаф»нинг музаффар юриши

Қаршининг «Насаф» жамоаси «ОФК кубоги — 2011» мусобақасидаги муваффақиятли юришини давом эттирмоқда. 13 сентябр куни Таиланднинг «Чонбури» жамоаси меҳмони бўлган вакилларимиз навбатдаги галабани нишонлашди.



ОФК кубоги учун бўлиб ўтаётган ушбу турнирда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган «Насаф» футболчилари бош совринга асосий даъвогар

сифатида эътироф этилаётгани ҳам бор гап. Чиндан-да гуруҳ босқичида олти марта, нимчорак финалда эса сафарда тўп суришига қарамасдан бир учрашувни ўз фойдасига ҳал этган қаршилиқ чарм тўп усталарининг шашти баланд.

Беллашув қутилганидек мурасасиз бошланди. Лекин биринчи бўлимда жамоалар қанчалик ҳужумга зўр беришмасин, танаффусгача ҳисоб очилмади. Баҳсининг иккинчи бўлими ватандошларимиз учун омадли келди.

47-дақиқада «Насаф»нинг черногориялик легионери Иван Бошкович аниқ зарба билан рақибларимиз дарвозасини ишғол этди. — 0:1.

Ўйиннинг қолган дақиқаларида ҳисоб ўзгармади. Энди «Насаф» футболчилари 27 сентябрга белгиланган жавоб ўйинини ўз уйида ўтказди. Эслатиб ўтамиз, жавоб баҳсида дуранг натижа ҳам қаршилиқларга «ОФК кубоги — 2011» мусобақасининг ярим финал эшигини очиб беради.

Футбол

Тайёргарлик авжида

Саноқли кунлардан сўнг 16 ёшгача бўлган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси шу йилнинг 1-9 октябрь кунлари Осиё чемпионатининг саралаш мусобақасида иштирок этади.

Айни кунларда бош мураббий Дилшод Нуралиев бошчилигидаги ўсмирларимиз бир қатор ўқув-йиғинларда иштирок этапти.

21 сентябрга қадар давом этадиган йиғин доирасида Дилшод Нуралиев шогирдларининг «Олмалик» (18 сентябр) ва «Металлург» (21 сентябр) клублари ёшлар жамоаларига қарши майдонга тушиши режалаштирилган.

Терма жамоанинг навбатдаги йиғини 27 сентябр кунига тўғри келади. Шундан сўнг вакилларимиз ушбу йиғин орқали расмий мусобақадаги иштирокини бошлашади.

Эслатиб ўтамиз, ОФК қарорига кўра жамоамиз билан «С» гуруҳидан ўрин олган Баҳрайн, Ҳиндистон, Қирғизистон ва Тожикистон терма жамоалари ҳам мусобақани Тошкентда ўтказадилар.

Теннис

Истомин кейинги босқичда

Туркиянинг Истанбул шаҳрида Челленджер туркумига кирувчи халқаро турнирда қатнашаётган Ўзбекистоннинг энг кучли теннисчиси Денис Истомин яқкалик баҳсларида дастлабки галабани нишонлади. Бешинчи рақамда сараланган тажрибали теннисчимиз илк учрашувда беларуслик Владимир Игнатикни 6:4, 6:4 ҳисобида енгиб, навбатдаги босқичга йўл олди.

Жуфтлик баҳсларида россиялик Константин Кравчук билан ҳамкорликда ўйнайдиган ҳамюртимиз дастлабки учрашувни туркиялик теннисчилар — Анил Юксал ва Балкин Ялчинкалега қарши ўтказди.



Енгил атлетика

Светлананинг бронза медали

Италиянинг Риети шаҳрида ўтказилган аънанавий халқаро турнирда ҳамюртимиз Светлана Радзивил бронза медални қўлга киритди. XVI Осиё ўйинлари голибаси, тажрибали спортчимиз мазкур халқаро турнирнинг баландликка сакраш баҳсларида 1,90 метр натижани қайд этди.



Бокс

Истиқболли чемпион

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан Олмалик шаҳрида бокс бўйича ўсмирлар ўртасида мамлакат чемпионати бўлиб ўтди.


Ушбу чемпионатда Фаргона вилояти терма жамоаси сафида (70 кг. вазнда) қатнашган Рапқон туман болалар ва ўсмирлар спорт

мактаби тарбияланувчиси Баҳром Фозилов 5 нафар рақибининг барчасини очколар бўйича енгиб, қолган 4 нафар устидан мuddатидан олдин

галаба қозонди ва Ўзбекистон чемпиони деган юксал номга сазовор бўлди.

Мухаммаджон МАҲМУДОВ

Чим устида хоккей



Сафардан галаба билан

Чим устида хоккей бўйича мамлакатимиз терма жамоаси Малайзияда ташкил этилган эркаклар ва хотин-қизлар ўртасидаги халқаро турнирда муваффақиятли иштирок этди.

Мазкур нуфузли турнирда Ўзбекистон, Малайзия, Таиланд ва Сингапурнинг ўн икки жамоаси голиблик учун куч синашди. Эркаклар ўртасидаги бир даврли тизим саралаш босқичида терма жамоамиз аъзолари Таиланд терма жамоасини 5:2, Малайзиянинг «Перак» жамоасини 1:0, «Пенанд» жамоасини 4:1 ва Сингапур терма жамоасини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ҳал қилувчи курашда Малайзиянинг «Перак» жамоаси билан яна бир бор куч синашган вакилларимиз 1:0 ҳисобида зафар қучиб, голибликни қўлга киритди.

Хотин-қизлар ўртасидаги беллашувлар омадли кечди. Юртимиз хотин-қизлар терма жамоаси аъзолари олти учрашувда таиландликлардан 2:0, Малайзиянинг «Кеда» жамоасидан 3:1, «Рапат» жамоасидан 4:2, «Сухасипут» жамоасидан 2:1, Сингапур терма жамоаси аъзоларидан 1:0 ҳисобида устун келишди. Биринчи ва иккинчи ўрин учун кечган беллашувда «Сухасипут» клуби 2:0 ҳисобида мағлуб этилиб, бош соврин қўлга киритилди.

Рағбат

Ёш футболчиларга Президент совғаси

Янгиер шаҳридаги футбол мактаби вилоятдаги энг намунали спорт муассасаларидан саналади.

Мактаб тарбияланувчилари Аббосбек Махсталиев, Сардор Раҳмонов, Бобур Давлатов, Жавлон Мирабдуллаев, Аслбек Мансуровлар номларини бугун жаҳон танийди. Бу ўғлонлар Мексикада ўтказилган жаҳон чемпионатида кўрсатган чиройли ўйини билан тилга тушиб, ҳукуратимиз томонидан муносиб тақдирланди.

Футбол мактабида бугунги кунда 230 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Уларнинг 30 нафарини қизлар ташкил этади. Ёшларга 21 нафар педагог, 14 нафар тарбиячи футбол сирларидан сабоқ беради. Мактаб замонавий қиёфадаги кўркем бино, 2 та футбол майдони ва 2 спорт залидан иборат.

Яқинда мазкур мактабнинг ёш футболчиларига мамлакатимиз Президентининг совғаси — «ISUZU» автобуси тантанали равишда топширилди.

Ёш футболчилар бундай эътиборга жавобан юртимиз футболи доврўгини янада кўтаришга ваъда беришди.

Анорбой НОРҚУЛОВ

Қасаба уюшма спорти

Яқинда Гулистон шаҳридаги марказий ўйингоҳ спорт ишқибозлари билан гавжум бўлди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Сирдарё вилоят кенгаши ташкил этган тадбирда тармоқ ходимларидан 115 нафар киши қатнашди. Тизимдаги профилактика муассасалари ходимлари спортнинг енгил атлетика, стол тенниси ва шашка тури бўйича ўзаро мусобақалашдилар.

Қизгин баҳслар



20-34 ёшгача аёллар ўртасида енгил атлетика баҳсларида Сирдарё туман ДСЭНМ вакили Г.Турдибоева, эркаклар ўртасида Гулистон туман ДСЭНМ вакили О.Бердиевларнинг қўли баланд келди. 35 ёшдан юқори ёшдаги аёллар ўртасида вилоят «Доридармон» АЖ ходими Л.Галиева, эркаклар ўртасида Ховос туман ДСЭНМ вакили И.Назаров голиб бўлди. Стол теннисида Боёвут туман ДСЭНМ вакили М.Хотамова, вилоят ТДМ ходими Д.Қосимов галаба қозонди. Шашкада ховослик Г.Холматова, вилоят суд-медэкспертиза ходими Э.Алиевга тенг келади топилмади.

Ҳотин-қизлар ўртасидаги беллашувлар омадли кечди. Юртимиз хотин-қизлар терма жамоаси аъзолари олти учрашувда таиландликлардан 2:0, Малайзиянинг «Кеда» жамоасидан 3:1, «Рапат» жамоасидан 4:2, «Сухасипут» жамоасидан 2:1, Сингапур терма жамоаси аъзоларидан 1:0 ҳисобида устун келишди. Биринчи ва иккинчи ўрин учун кечган беллашувда «Сухасипут» клуби 2:0 ҳисобида мағлуб этилиб, бош соврин қўлга киритилди.

Ҳотин-қизлар ўртасидаги беллашувлар омадли кечди. Юртимиз хотин-қизлар терма жамоаси аъзолари олти учрашувда таиландликлардан 2:0, Малайзиянинг «Кеда» жамоасидан 3:1, «Рапат» жамоасидан 4:2, «Сухасипут» жамоасидан 2:1, Сингапур терма жамоаси аъзоларидан 1:0 ҳисобида устун келишди. Биринчи ва иккинчи ўрин учун кечган беллашувда «Сухасипут» клуби 2:0 ҳисобида мағлуб этилиб, бош соврин қўлга киритилди.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Соғлом жамият аъзолари

Жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда таълим, фан ва маданият ходимлари қасаба уюшмаси Бухоро вилоят кенгаши ҳам ташаббускорлик кўрсатмоқдалар. Яқинда ташкил этилган мини футбол турнири бундан яна бир қарра тасдиқлади.



Худудий беллашувларда Когон шаҳри ва Когон, Қорақўл ва Олот, Шофиркон ва Гиждувон каби бир қанча туманлар жамоалари ўзаро куч синашдилар. Мусобақада мураббий ва ўқитувчилар, ўқувчилар қатори оталар ҳам майдонга чиқдилар.

— Мусобақаларни ўтказишдан мақсад — аҳоли ўртасида байрамона кайфиятни кўтариш, спортни янада оммалаштиришдир, — дейди таълим, фан ва маданият ходимлари қасаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси ўринбосари Райхон Носирова.

Иzzатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Халқаро касаба уюшмалари фаолиятидан



АҚШ

АҚШнинг Юнайтед Ауто Боукерс (United Auto Workers – UAW) касаба уюшмаси айти кунларда мамлакатнинг энг йирик автомобил ишлаб чиқарувчилари билан касаба уюшма аъзосини ишга қабул қилишда тўланадиган рағбатлантириш мукофоти миқдорини 10 минг АҚШ долларигача ошириш юзасидан музокаралар олиб бормоқда.


Автомобилсозлар «кўпроқ сўрашмоқда»

Бу эски шартномада кўрсатилган мукофот миқдоридан уч баробар кўпдир. Янги шартнома Женерал Моторс Ко. (General Motors Co.), Форд Моторс Ко. (Ford Motor Co.) ҳамда Крайслер Гроуп (Chrysler Group LLC) заводлари ҳамда уларда меҳнат қилаётган 113 000 ишчилар ўртасида тузилади.

Калифорния университетининг меҳнат муносабатлари бўйича профессорлари Харли Шайкеннинг фикрича, бундай ҳажмдаги мукофот иш берувчи ва ходим ўртасида тузилган шартномада кўрсатилган ҳар бир банднинг бажарилишида ўзига хос гаров бўлиб хизмат қилади. Маълумотларга кўра, касаба уюшмалари томо-

нидан қўйилаётган янги шартнома талаблари автомобил ишлаб чиқарувчилар томонидан кескин қаршиликка учраши мумкин. Чунки бу мукофот учун Женерал Моторс 470 млн., Форд 410 млн. ва Крайслер 250 млн. АҚШ доллари ажратиши керак бўлади. Компаниялар бу қадар юқори миқдорда мукофот тўлашнинг зарурий эканлигига шубҳа билдиришиб, қарорни умуман асосиз деб ҳисоблашмоқда.

Икки кундан кейин муддати тугайдиган эски шартнома компаниялар ва UAW ўртасида 2007 йилда тузилган бўлиб, унга кўра ишга қабул қилишдаги рағбатлантириш мукофоти миқдори 3000 АҚШ долларини ташкил этади.



Франция

Франциянинг энг йирик банкларидан бири — «Societe Generale» келаси йили ўзининг хорижий филиал ва бўлимларида кенг кўламда иш ўринларини қисқартиришни режалаштирмоқда.

Ходимлар сони қисқаради

Асосан банкнинг Россия, Руминия, Чехия ва Миср давлатларидаги филиалларида иш ўринлари қисқариши кутилади. Бу ҳақда куни кеча «Societe Generale» директорлар кенгаши раиси Фредерик Удеа хабар қилди. Шунингдек, у банк ходимлари манфаатларини ҳимоя қилувчи касаба уюшма вакиллари билан ушбу масалани муҳокама қилиш учун учрашув ўтказди. Маълум бўлишича, банкнинг Франциядаги бўлимларида иш ўринлари қисқартирилмайди.

Айти кунларда «Societe Generale» банкнинг биржа кўрсаткичлари 60 фоизга тушиб кетган. Гап шундаки, банкнинг кредит портфелида евроҳудуддаги иқтисоди ночорлашган давлатларнинг йирик миқдордаги (4,3 млрд евро) қарзи мавжуд. Бу эса активлари миқдори бўйича Францияда учинчи ўринда турадиган ушбу банкка сармоядорларнинг ишончи йўқолишига сабаб бўлмоқда.

ЖАР



Маошлар миқдори белгилаб олинди

Дунёнинг энг йирик платина қазиб олиш компанияси Anglo American Platinum (Amplats) жанубий африка касаба уюшмалари билан иш ҳақи тўлови тўғрисида икки йиллик шартнома имзолаганини хабар қилди.

Шартномага кўра, энг кам маош тўланадиган ишчиларнинг иш ҳақи 10 фоизга, энг кўп маош тўланадиганларники эса биринчи йили 8,5 фоиз, иккинчи йили 9 фоизга оширилади. Шу соҳада фаолият юритувчи Impala Platinum, Northam Platinum ва Lonmin компаниялари ишчилари билан эса музокаралар ҳали давом этмоқда.

Финландия


Хабарларга қараганда, «Олкилуото» атом станцияси қурилишида меҳнат қилаётган учта полшалик электрчи-ишчиларга компания томонидан арзимаган миқдорда — соатига 1 евро 59 цент иш ҳақи тўланган.



Иш ҳақи... 1 евро 59 цент

Маълум бўлишича, бу миқдор Финляндия меҳнат шартномасида белгиланганидан ўн баробар кам экан. Натижада, электрчилар касаба уюшмаси Польша қурилиш компаниясини ўз ишчиларига бундай кам миқдорда маош тўлагани учун судга берди.

«Олкилуото» қурилишида қатнашаётган ушбу компанияни аввал ҳам маош тўлаш бўйича меҳнат нормаларини бузгани учун судга беришган эди.



Руминия

Халқаро Транспортчилар Федерацияси (ХТФ) Руминия ҳаво йўллари маъмуриятидан касаба уюшма вакиллари билан музокараларга киришишни ва келишувга эришишни талаб қилди. ХТФ аъзоси бўлган Tarom авиакомпанияси техник ходимлари касаба уюшмасининг хабар қилишича, авиакомпания маъмурияти ишчилар билан касаба уюшмаси ходимлари орқали мулоқот қилишдан бош тортмоқда.

ХТФ таклифи

Шунингдек, расман компания ишчи-ходимларининг вакили сифатида тан олинганига қарамастан, касаба уюшмаси билан янги меҳнат шартномасини муҳокама қилишни рад этган. Компания бошқармасининг хабар қилишича, у янги қонун (Ижтимоий мулоқот тўғрисидаги қонун 62/2011) билан боғлиқ ноаниқ ҳолатга асосланган ҳолда шундай йўл тутмоқда ва ўз ҳаракатини шу йўл билан оқлашга уринмоқда. Янги қонунда ижтимоий шериклик ва меҳнатқашлар манфаатларини ҳимоя қилувчи вакиллар ҳаракатининг янги мезонлари мавжуд. Шунингдек, жамоа шартномасини тузиш бўйича музокаралар жараёнига ўзгартиришлар киритилган.

ХТФ авиация бўлими котиби Габриэл Мочо 31 август куни компания бош директори Габриэл Бордеага йўллан-

ган хатда шундай ёзади: «ХТФ мамлакатнинг жорий қонунчилигида мавжуд камчиликни яхши тушунади. Аммо, CN Tarom компанияси раҳбариятига ўзининг етакчилик сифатларини намойиш этиб, ўз ихтиёри билан, қолаверса, меҳнатқашларнинг манфаатларини кўзлаб компания техник ходимлари касаба уюшмаси вакиллари билан янги жамоа шартномаси юзасидан музокараларни мумкин қадар тезроқ бошлашни қатъиян тавсия этади. ХТФ, айниқса, унга аъзо ташкилотлар ушбу меҳнат мунозараларини диққат ва қизиқиш билан кузатиб боради. Умид қиламизки, тез орада ҳар икки томон манфаатларини қондирувчи ечим топилади ва румин касаба уюшмасининг халқаро биродарлик ташкилоти ҳимоясига эҳтиёжи қолмайди».

Интернет хабарлари асосида Жаҳонгир ЮНУСОВ тайёрлади

Эстония

Эстония касаба уюшмалари марказий уюшмаси мамлакат ҳукуматининг бюджет тақчиллиги олдини олиш учун ишсизликдан ҳимоя қилиш бўйича давлат Кассасидаги маблағларни 2012 йил давлат бюджетига ўтказиш тўғрисидаги қарорини нотўғри ва асосиз деб баҳолади.



Нафақалар давлат бюджетига ўтказиладими?

Марказий уюшма раиси Харри Талига, ҳукумат қарори амалга ошириладиган бўлса, Касса ўзининг асосий вазифасини бажара олмайди, деган фикрни билдирмоқда. Шунингдек, у расмий шахсларнинг инқироз бартараф этилганлиги ҳақидаги барча ишонтиришига қарамастан, мамлакатда ишсизлик даражаси юқорилигича қолаётганини айтиб ўтди. Эстония касаба уюшмалари етакчилари «кейинчалик Касса фаолиятида юзага келадиган муаммоларга давлат томонидан тезкор чоралар кўрилиши ёки унинг маблағларидан фойдаланишда чекловлар қўйилишига ҳам ҳеч қандай кафолат йўқ», дея фикр билдиришган.

«Режалаштирилаётган ўзгаришни нафақат касаба уюшмалари, балки иш берувчилар ҳам қўллаб-қувватлаётгани йўқ. Шу боис ҳукумат ушбу масалани ижтимоий ҳамкорлар билан бирга муҳокама қилиши керак. Бундай масалалар фақатгина ҳукумат усули билан ҳал этилмайди», дейди Талига.

Тартиб рақами 10090602020017 билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улуғбек технология касб-хунар коллежига Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати томонидан 2008 йил 14 ноябрда берилган 3075077460 (3361) рақамли кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилоят кенгаши жамоаси тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Чортоқ туман кенгашининг собиқ раиси Одилжон Қодировга волидаи муҳтарамаси **ЛУЛИХОН** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Алишер Навоий номидаги опера ва балет академик катта театри ёнидаги бинода ишлаймиз. Театр ҳовлисидаги фаввора қайта реконструкция қилиниб ишга туширилганига бир йилдан ошди.

Илгариги фавворадан сув бир маромда сачраб турган бўлса, таъмирдан кейин у «Муҳаббат фаввораси» номини олди. Шинам ўриндиқларда ўтириб, суҳбатлашаётган пойтахтимиз меҳмонлари, ёшлар, зилол томчилар рақсидан шодон қичқираётган болакайлар, бахт оstonасига қадам қўяётган келин-куёвлар, хорижлик сайёҳларга кўзим тушиб, юрагимда фахр туйғулари уйғонади.



Мафтункор фавворалар

— Ўзбекистон жаннатмонанд юрт экан. Аввал уни келиб кўрмаганим учун жуда афсусдаман, — дейди ўзини Катерина Соловьева деб таништирган Россия фуқароси. — Унинг пойтахти Тошкент, қадимий шаҳарлари Самарқанд, Бухоро ҳақида турмуш ўртоғимдан жуда кўп эшитганман. У Ўзбекистонда тугилиб ўсган. Унинг мақтовларини шунчаки ватанпарварлик туйғуси деб тушунганман. Минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, деб бу йилги таътилимни серкўёш дийрда ўтказишга аҳд қилдим. Бир ҳафта Самарқанд ва Бухорода яшадим. Гўё ўзимни мўъжизалар мамлакатига тушиб қолгандай ҳис қилдим. Дарҳақиқат, эримнинг киндик қони тўкилган Бухоро жаҳоннинг юраги мисол иссиқ ва афсонавий шаҳар экан. Оқшомлари Катта Минор атрофида сайр қилганимда, Лаби Ҳовуз бўйида дам олганимда бир нарсага иқрор бўлдим, бу шаҳарни бунёд этган инсонлар юксак маънавиятли ва кенг тафаккурли меъморлардир.

Самарқанддан бундан кўпроқ ҳаяжонга тушдим. Амир Темур мақбараси, Шоҳи Зинда, Регистон, Мирзо Улуғбек обсерваторияси, барчаси ўзига хос бир мўъжиза. Тошкентга ўтган кун келдим. Лекин таассуротларим бир олам. Бу ердаги хиёбонлар, шаҳарнинг кўрку таровати мени ўзига мафтун этди.

— Дунёнинг кўплаб юрларида бўлганмиз. Аммо Ўзбекистон бошқача. Ҳар қадамда она Шарқнинг нафосати ва ҳарорати юрагингга қувват бериб туради, — дейди япониялик Ҳироко Икедо хоним.

Ҳар бир тарихий обида, меъморий ёдгорлик, ҳатто фаввораларнинг ҳам ўз тарихи бор. Муаррихларнинг эътирофи этишларича, соҳибқирон Амир Темур Самарқанд, Кеш, Хуросону Туркистондаги улкан кошоналарни бунёд этиб, у ердаги атроф-муҳитни мўътадиллаштириш мақсадида фавворалар, ҳовузлар қуришга алоҳида аҳамият берган экан. Ҳатто Дилқушо боғидаги ажойиб фаввораларнинг таърифи ўша замондаёқ дунёга машҳур бўлган. Дарҳақиқат, Испания элчиси Клавио Соҳибқирон саройидаги фавво-

ра ҳақида ўз эсдаликларидан ёзиб қолдирган.

Бугунги авлод боболар аънасини муносиб тарзда давом эттирмакда.

Фусункор фавворалар, айниқса, истиқлол йилларида кўплаб бунёд этилди, эскилари қайта таъмирланиб, жаҳон андозаларига мослаштирилиб, замонавий кўринишга келтирилди. Айни кунда пойтахтимизда 80 га яқин турли услубда қурилган фавворалар бор. Ўзбекистон Миллий боғи, Алишер Навоий номидаги опера ва балет академик катта театри майдони, «Интер-

континентал» меҳмонхонаси, Ҳадра, Дархон мавзесидаги майдонлардаги фавворалар туну кун аҳолига оромбахш, мўътадил иқлим ҳадея этади.

Халқимиз учун буюк саждагоҳ ҳисобланмиш Бош майдондаги фавворалар эса ҳаёт сарчашмасидек кўнгилларга улғуворлик, шижоат ва ғурур солади.

Айнан шунинг учун ҳам гўзаллик, софлик тимсоли бўлмиш фавворалар биз учун гоят қадридир.

А. ҚОДИРОВА



oliy baxt

MUASSIS:
O'zbekiston Kasaba
uyushmalari
Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abdulloh
ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Normamat ALLAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To'liqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib),
Anvar YUNUSOV

Bizga qo'ng'iroq qiling:

Kotibiyat: 256-52-78
Xatlar bo'limi: 256-85-43

Viloyat muxbirlari:

Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99893 415 06 66;
Samarqand + 99866 933 25 04;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99873 679 32 79;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78;
Qoraqalpog'iston Respublikasi
va Xorazm + 99862 562 56 75;

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
IBM kompyuterida terildi va sahifalandi.
Ofset usulida bosildi. Bichimi A-3.
Hajmi 4 bosma taboq.

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri,
«Buxoro» ko'chasi, 24-uy.
Nashr ko'rsatkichi: 133; 134

Gazeta haftaning seshanba,
payshanba va shanba
kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Mualliflar fikri tahririyat
nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda
«Ishonch»dan olinganligi
ko'rsatilishi shart.

Tijorat ahamiyatiga molik
materiallar h belgisi
ostida chop etiladi.

E-mail: ishonch
2011@gmail.com



«Sharq» nashriyot-matbaa
aktyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: «Buyuk
Turon» ko'chasi, 41-uy

Navbatchi muharrir:

J. Sharofboyev

Navbatchi:

S. Abdurahmonov

Musahhih:

S. Shodiyeva

Sahifalovchi-

dizayner:

H. Abduljalilov

**Bosishga topshirish
vaqti - 21.00**

Topshirildi - 18.30

Buyurtma T-911

Tiraj: 13761

ISSN 2010-5002

1 3 4 5